



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

Баҳоси 5 тийин.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 13 апрелдаги мажлисида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжалик тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасининг тайёрлаш қандай бораётгани ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Ло-йиҳада баён этилган қондалар социалистик демократияни янада ривожлантиришга, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг реал тўла ҳокимия-тини тиклашга, уларнинг дав-лат ҳокимиятидаги бутун ма-ҳаллий ўзини ўзи бошқариш системаси фаолиятини бирлаш-тириб, мувофиқлаштириб ва йўналтириб турувчи ваколатли орган сифатидаги ролини оши-ришга қаратилганлиги муҳо-кама чоғида таъкидлаб ўтилди. Фақат Советларнинг ваколати-га киритиладиган масалалар донраси анча кенгайди, маҳал-

лий хўжалик тушунчаси, унинг состави ва вазифалари янгича талқин этилмоқда, ўзини ўзи бошқаришнинг молиявий база-сини мустаҳкамлаш учун асос солинди.

Сиёсий бюро мажлисида ай-тилган мулоҳазаларни ҳисобга олиб, қонун лойиҳасини пухта-лаштириш, уни иттифоқдош республикаларга, министр-ликлар ва идораларга юбо-риш мақсадга мувофиқ деб топилди. Кейинчалик комиссия тушган таклифларни ҳисобга олиб, биринчи муҳокамадан сўнг у умумхалқ муҳокама-сига қўйилишини кўзда тутиб, қонун лойиҳасини кўриб чи-қиш учун СССР Олий Совети-га тақдим этиши керак.

Сиёсий бюро савдо, умумий овқатланиш корхоналари ва хизмат соҳаси ишлари устидан ишчилар назоратини янада ку-

чайтириш масалаларини муҳо-кама қилди. Касаба союзлари-нинг ишчилар назорати ўз фаолиятини бошқа назорат қилувчи органлар билан муво-фиқлаштириб ва маҳаллий Со-ветлар ҳамда жамоатчиликнинг фаол мадади билан ана шу тармоқларда назорат система-сида етакчи ўринни эгаллаш, тақсимот соҳасида, социал адолат принципларини амалда рўйбга чиқаришда нуфузли куч бўлиб қолишига уқтирил-ди.

Олдиндан жамоатчилик то-монидан муҳокама қилинган касаба союзлари ишчи назо-рати тўғрисидаги Низом лойи-ҳасини кўриб чиқиш учун СССР Олий Совети Президи-умига топшириш, ишчи назора-ти ҳуқуқий статусини, унинг

(Давоним иккинчи бетда).

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Ўзбекистон республика комитетининг БАЁНОТИ

Бундан бир йил муқаддам бутун жаҳон жамоатчилиги икки халқ — Афғонистон ва Покистон халқларининг хонис ниятли ишлари — Афғонистон билан Покистон ўртасида Женева битимлари имзоланганини табриклаган эди.

СССР билан АҚШ ка-филлари бўлган ана шу би-тимлар БМТ Бош ассамб-леяси 43-сессиясининг ре-золюциясини бажариш бо-расида кўп йиллик ва жуда машаққатли куч-ғайратлар натижасида имзоланганди.

Аммо ҳозирги вақтда Аф-ғонистоннинг Покистон би-лан чегарадош вилоятла-рида Покистоннинг ҳарбий агрессия сиёсати ва унинг Афғонистон Республикаси ички ишларига аралашуви сабабли ҳарбий кескинлик мислсиз даражада кучайган-лиги яққол кўришиб туриб-ди.

Покистон томони Женева битимларининг барча асо-сларини ва айниқса, бирин-чи ҳужжат қондаларини қў-пол равишда бузмоқда. По-кистон сиёсати Женева би-тимларига хилофдир, аммо бу сиёсатга Америка Қўш-ма Штатларининг маъму-рияти ҳомийлик қилмоқда.

Шундай сиёсат натижаси-да чегара вилоятларида, ай-ниқса Жалолобод шаҳрида Афғонистон Республикаси-нинг мустақиллигига, мил-лий суверенитети ва терри-

ториал бутунлигига жиддий хавф солаётган сифат жи-ҳатдан янги вазият вужуд-га келди: мутлақо гуноҳсиз тинч аҳоли, болалар, хотин-қизлар ва қарилар ҳалок бўлмоқдалар. Мана шулар-нинг ҳаммаси республика-миз меҳнаткашларининг қалбини ташвишга солмоқ-да.

Совет Иттифоқида келган-да шунини айтиш керакки, мамлакатимиз позиция-ни белгилаб берган Женева битимларининг барча банд-лари тўла-тўқис бажарилди. 1989 йилнинг 15 февралда сўнгги совет солдати Афғо-нистон территориясини тарк этди, Афғонистон хал-қида юз минглаб тонна озиқ-овқат маҳсулотли, дори-дармон, нефть маҳсулотлари етказиб берилди ва ҳамон етказиб берилмоқда.

Женева битимлари имзо-ланганлигининг бир йиллиги муносабати билан Осиё ва Африка мамлакатлари бир-дамлиги Ўзбекистон респу-блика комитети Ўзбекистон ССРнинг кенг жамоатчили-ги номидан дўст Афғонис-тон халқини қўллаб-қувват-лашини ва у билан бирдам-лигини изҳор этади ҳамда Покистон халқи ва жамоат ташкилотларига муносабат қилиб, Женева битимларини баралла қўллаб-қувватлаш-га қатъий даъват этади.

Афғонистон Республика-си халқига тинчлик!

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Ўзбекистон республика комитети.

1989 йил 13 апрель.

Тошкент шаҳри

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. Ғ. МУХТОРОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР
ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕПУТАТИ ВАКОЛАТЛАРИ
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТЎХТАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми А. Ғ. Мухторов СССР халқ депутати этиб сайланганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати ваколатларини ўздан соқит қилиш тўғрисидаги шахсий аризасини кўриб чиқиб, қарор қилади:

«СССР халқ депутатларининг статуси тўғрисидаги СССР Қонунининг 10-моддасига биноан Тош-кент область 85-Бўқа сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Аҳмаджон Ғуломович Мухто-ровнинг ваколатлари муддатидан илгари тўхтатилди, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети
Президиумининг Раиси

Ўзбекистон ССР Олий Совети
Президиумининг Секретари

Тошкент шаҳри,
1989 йил, 13 апрель.

М. ИБРОҲИМОВ.

Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. Ф. КЛЕПИКОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР
ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕПУТАТИ ВАКОЛАТЛАРИ
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТЎХТАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми А. Ф. Кле-пиков СССР халқ депутати этиб сайланганлиги муно-сабати билан унинг Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати ваколатларидан соқит қилиш тўғрисидаги шахсий аризасини кўриб чиқиб, қарор қилади:

«СССРда халқ депутатларининг статуси тўғриси-даги СССР Қонунининг 10-моддасига биноан Тош-кент область 89-Димитров сайлов округидан Ўзбе-кистон ССР Олий Советининг депутаты Александр Фёдорович Клепиковнинг ваколатлари муддатидан илгари тўхтатилди, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети
Президиумининг Раиси

Ўзбекистон ССР Олий Совети
Президиумининг Секретари

Тошкент шаҳри,
1989 йил, 13 апрель.

М. ИБРОҲИМОВ.

Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ 85-Бўқа ВА 89-ДИМИТРОВ
САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДАН ЎЗБЕКИСТОН ССР
ОЛИЙ СОВЕТИГА ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВИНИ
ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

«Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғриси-даги Ўзбекистон ССР Қонунининг 57-моддасига муво-фиқ Тошкент область 85-Бўқа ва 89-Димитров сайлов округларидан Ўзбекистон ССР Олий Советига депу-тат сайлови 1989 йил 14 май, якшанба кунига тайин-лансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети
Президиумининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети
Президиумининг Секретари

Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1989 йил, 13 апрель.

Эртага—Совет фани кунли



ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академиясининг механика ва зилзилага бардошли иншо-отлар институти олимлари пахтакорларга мукаммал машиналар яратиб бериш ишига му-носиб ҳисса қўшмоқдалар. Техника фанлари кандидати И. Файзиев кашф этган таркибий ишпидель Беруний номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотига тавсия этилди. Суратда: (chapдан ўнгга) И. Файзиев, илмий секретарь А. Қайумов ва катта техник Т. Эшонжоно-М. Назаров фотоси.

КНСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

(Давомий, Боши 1-бетда).

хуқуқлари ва бурчларини қонуний йўли билан белгилаб қўйиш кўзда тутилди. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, маҳаллий партия комитетларига ишчи назоратини ташкил этишда касба союзларига ёрдам бериш, уни бевосита меҳнаткашларнинг манфаатларига дахлдор энг муҳим сиёсий иш деб ҳисоблаш тавсия этилди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачёвнинг Куба республикасига расмий дўстлик визити якунларини маълумлади. Куба халқи билан учрашувлар, Ф. Кастро ҳамда Кубанинг бошқа раҳбарлари билан олиб борилган музокаралар, визит чоғида имзоланган СССР ва Куба республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома Совет-Куба муносабатларини ривожлантиришда муҳим воқеа бўлди, жаҳон тараққиётининг энг асосий муаммолари юзасидан иккала партия ва мамлакатлар позицияларининг ўхшашлигини кўрсатди. Музокаралар давомида барча соҳаларда, энг

аввало экономика соҳасида Совет-Куба ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш зарурлиги ҳақида ҳамжиҳатликка эришилди. Музокарадаги рўстлик ва ўзаро ишонч муҳити Совет Иттифоқи билан Куба халқларини бирлаштириб турган ришталар мустақамлигининг яна бир далили бўлди.

Кубага қилинган сафар Совет Иттифоқи халқаро ишларида Латин Америкасининг роли тобора ошиб бораётганига аҳамият бераётганлигини таъкидлади, регионал можароларни, аynикиса Марказий Америкадаги ва Африка жанубидаги можароларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш, ривожланиётган мамлакатларнинг ташқи қарзини тугатиш, бошқа жаҳоншумул муаммоларни ҳал этиш масалаларига ёндашуви келишиб олишга ёрдам берди. Сиёсий бюро визитнинг сиёсий якунларини мустақамлаш, эришилган аҳдномаларни амалга ошириш тартибини белгилаб берди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачёвнинг Буюк Британияга расмий визити якунларини муҳокама қилди. Совет делегациясини қабул қилиш муҳитининг

ўзи, бош министр М. Тэтчер, ҳукумат аъзолари билан мазмунли ва ошқора музокаралар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар негизини мустақамлаштириш, ишонч, ҳамжиҳатлик соҳаси ва жаҳон ҳамда Европа сиёсатида амалий алоқа қилиш имкониятлари кенгайди. Миллий ва ялпи хавфсизлик муаммолари юзасидан фикрлар батафсил қиёс этилди, қуроли қарам-қарши туриш даражасини пасайтириш, қуролизилаш, халқларнинг ўз йўлини ўзи танлаб олиш ҳуқуқини тан олиш, умумбашарий қадриятларнинг биринчи ўринда туриши, бутун жаҳон ҳамжамиятига тааллуқли муаммоларни интернационаллаштириш, давлатлараро муносабатларни мафқураштиришдан ҳоли этиш ялпи хавфсизликка олиб борадиган йўлдор.

Бир қанча муҳим масалалар юзасидан, энг аввало ҳозирги шароитда ядро қуролининг ролига, «ядро қуроли билан тиҳий туршиш» концепциясига баҳо беришда, ядро қуролининг модернизациялаш ва баъзи бошқа масалаларда икки мамлакат позициялари бутунлай бошқачадир.

Лондондаги музокараларда Европадаги халқаро—сиёсий, иқтисодий, экологик ва гуманитар муаммоларни Вена учрашуви якунловчи ҳужжатга гоёларини бажариш ўзарида ҳал этишга СССР ва Буюк Британиянинг ёндашувларида ўхшашлик борлиги аниқланди. Регионал можароларни сиёсий бартараф этиш ишида кўп даражада ҳамжиҳатлик борлиги аниқланди.

Олий даражадаги Совет-Ирландия музокараларининг якунлари қўриб чиқилди. Бу музокаралар ҳозирги замон халқаро муносабатларининг кўпгина катта муаммолари юзасидан позицияларнинг ўхшашлигини, Совет Иттифоқи билан Ирландия ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришга иккала давлат раҳбарларининг бундан буён ҳам ҳар томонлама кўмаклашишга тайёрлигини тасдиқлади.

Учрашув тенглик, ўз йўлини ўзи эркин танлаб олиш ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принципларини ҳурмат қилишга асосланган Совет-Ирландия сиёсий алоқаларининг имкониятлари мавжудлигини ҳам кўрсатди.

• «Қизил шанбалик»
олдидан

Меҳнат
байрамига

тайёрланмоқдалар

✦ ТИКУВЧИЛАР

Тошкентдаги «Қизил тоғ» тикувчилик бирлашмасининг коллективи 22 апрель кунни беш йиллик фондига 2,5 минг сўм ўтказишга аҳд қилди. Шанбалик кунинда бу ерда 310 минг сўмлик ҳаридортир яхши кийим-кечак, шу жумладан бир ярим мингта ниҳоятда замонавий кўклам комплектлари тикилади.

✦ МАШИНАСОЗЛАР

«Ўзбексельмаш» заводида ишчилар ва инженерлар билан бирга меҳнат ветеранлари ва пенсияонерлар ҳам шанбаликка чиқишни мўлжалламақдалар. Оталикдаги ҳунар-техника билим юртининг талабалари улар билан бирга меҳнат қилишади. Шу кунни 115 минг сўмлик саноат маҳсулот, шу жумладан 20 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга аҳд қилинди. Социал-маданий мансий объектларга алоҳида эътибор берилади — завод комсомол аъзолари «Қизил шанбалик» стадион ва пионер лагери қурилишида иштирок этишади.

✦ СТУДЕНТЛАР

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтинда 3 мингдан ортиқ киши шанбаликда иштирок этади. Шу кунни Юнусовод массивида янги ётоқхоналар корпусларини ободонлаштиришда, волейбол, футбол ва баскетбол ўйинларига мўлжалланган спорт майдончасини барпо этишда иштирок қиладилар. Студентларнинг зарбдор отряди институт оталигидеги капитал ремонт қилинган 29-бўлалар уйига келишади. Студентлар томини тугатиб, деворларни оқлашади.

Бўлажак инженерларнинг бир қисми ўз иختисоси бўйича ишлайди. Улар 8-автокорхона ишчилари билан бирга машиналарни ремонт қилишади, «Эколог» отряди эса шанбаликда шаҳарни кўкамзорлаштириш ва ахлатдан тозалаш юзасидан рейд ўтказишга қарор қилди.

✦ ҲУВУВЧИЛАР

Тошкентдаги 4-хунар-техника билим юртининг талабалари — бўлажак монтерлар, кабелчилар, телеграфчилар, шанбалик кунинда шаҳар ва район автомат телефон станцияларида, телеграф ва бошқа объектларда меҳнат қилишади. Бўлажак алоқачилар ҳам бош почтаҳонада меҳнат қилиб, хат ва мўнавларини элтишга кўмаклашадилар. Гидрометеорология Ўзбекистон республика бошқармасининг бўлини мала-ри гидрометеорология хизматининг бўлажак радио операторларни учун иш жойига яланади. Улар об-ҳаво мўнавларини тайёрлашда кўмаклашадилар. Яна 600 нафар йигит ва қиз Пушкин ва Хоразм кўчаларида дархат кўчатлари ўтказиб, уларни оқлайди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг пленуми

Бугунги кунда ёзувчиларнинг вазифаси нимадан иборат? Мамлакатда амалга оширилаётган қайта қуриш ва адабий жараён ўртасидаги муносабат қандай? Ана шу масалалар Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленесининг 12 апрель кунин Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги пленумида муҳокама мавзуд бўлди.

Ижодий уюшма правленесининг биринчи секретари О. Ёкубовнинг доклады, пленум иштирокчиларининг нутқларида жамиятимиз турмушида содир бўлаётган ўзгаришлар, қайта қуриш босқичлари республика адабларининг меҳнатда, уюшманинг бутун фаолиятида ақс этмай қолмади, албатта, деб таъкидланди. Қайта қуриш ва ошқоралик ижодий куч-ғайратини жўш урдириб, кўпчиликнинг узоқ давом этган лоқайдликдан сергаклантириди. Бу фаолиятини уйғотиш — қувончли воқеа бўлиб, айни ёзувчиларнинг революцион қайта қуриш жангчиларининг олдинги сафларида бўлишига ёрдам бериши зарур бўлган жараёндир.

Ўзгаришларнинг сарин шабадаси адабларини халқнинг орзу-ўйларини акс эттирадиган ўткир, ҳаққоний, дадил асарлар яратишга, граждонлик жасоратига илҳомлантирмоқда. Республика Ёзувчилар союзи жамият турмушининг барча соҳаларига кириб боришга, энг долзарб муаммолар моҳиятини очиб беришга интилоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетинда яқинда бўлиб ўтган учрашувда ёзувчиларнинг экология соҳасидаги муаммоларга оид нутқ ва мақолаларни ўз вақтида тўғри қарорлар қабул қилинишига кўмаклашганлиги таъкидланди.

Пленум қатнашчилари Компартия Марказий Комитетинда бўлиб ўтган ана шу учрашувга юксак баҳо берди. Учрашув ошқоралик ва ишчанлик вазиятида ўтиб, амалий руҳда бўлганлиги ва муҳокама қилинган барча масалаларни ҳал этишининг конкрет амалий йўлларини белгилаб берганлиги таъкидланди. Учрашув чоғида

республика партия ташкилоти ёзувчилар ҳақида, уларнинг турмуш шароитини ва ижод қилиш имкониятларини яхшилаш тўғрисида, қайта қуришни муваффақиятли амалга оширишдан, республикада моддий ва маънавий турмуш даражасини қатъиян оширишга эришишдан иборат ягона мақсад билан бирлашган кучларни жиғлаштириш ҳақида ғамхўрлик қилаётганлиги яққол намоён бўлди.

Айни вақтда пленумда республика адаблари шаънига айтилган танқидий мулоҳазалар жуда ўринли эканлиги таъкидланди. Батзилар, афтидан, шу пайтгача бугунги ошқоралик ва рўй-ростлик вазияти тугайли вуқудга келган кўтариш қилиш ҳолатидан чиқа олмай, ҳаммани ва ҳамма нарсани тинмай танқид қилмоқдалар, республикадаги адабий жараённи жонлантириш учун зарур бўлган ишларни унутиб, барчага ақл ўргатмоқчи бўладилар.

Шундайлар ҳам борки, дейилади пленумда, улар қайта қуриш ёзувчиларга яратиб берган чинакам сўз еркинлигини, ҳамма жойда ўз фикрини айтиш имкониятини ҳар хил гапларни айтиш, таъна-надоматлар билдириш эркинлигини деб тушуноқдалар... Шу билан бирга докладда ҳам, нутқларда ҳам айни қайта қуриш самараси бўлган романлар, ҳиссалар, ҳикоялар ва драматик асарлар мисол қилиб келтирилди. Бундан 5—10 йилгари республикада бундай асарлар нашр этилиши мумкин эмас эди.

Баъзи ёзувчилар ўз нутқлари ва мақолаларида гўё маҳаллий аҳоли вакилларида ишчилар кам тайёрланганлиги учун республика раҳбарлари, Компар-

тия Марказий Комитети шаънига танқидий фикрлар айтмоқдалар. Ана шу ишчилар синфи тўғрисида ўша ёзувчиларнинг қандай асарлари бор? Улар ўзбек ёшлари орасида ишчи касбияти оғурини ошириш учун гап-сўзлардан ташқари конкрет нималар қилишди? Пленум минбаридан ана шундай саволлар берилди. Кейинги 20—30 йил давомида босмадан чиқарилган ана шу мавзудаги китоблар бармоқ билан санарлидир.

Таъна-дашномлар бериш ҳаммадан кўра осон. Бироқ ўзимиз ҳам қайта қуришга ҳисса қўшимиз керак — авж олиб кетган мунозарада ана шундай фикрлар айтилди. Ёзувчининг ҳар бир сўзи масъулиятли, далил-ноботлар билан асосланган бўлиши лозим. Барча масалаларга амалий, сиёсий вазминлик билан ёндашиш зарур. Бундай ёндашув умумий ишга наф келтирадиган, республикада истиқомат қилувчи аҳоли барча социал гуруҳларининг, барча миллат вакиллариининг манфаатларини ҳисобга олади. Халқнинг кўзи, қулоғи ва қалби деб ҳисобланган ёзувчилар ҳамма мана шу баҳога муносиб бўлишлари зарур. Бундай ишончли кадрлаш, воқеликни ҳаққоний ва холис, ҳалол ва тўғри акс эттирадиган муносиб асарлар яратиш лозим.

Муҳокама чоғида ижодий уюшма фаолиятини, нашриёт ишчи яхшилаш, таржимачиликни йўлга қўйиш масалаларига кўп эътибор берилди. Хусусан республика раҳбариятининг ёрдами тугайли. ниҳоят, Ёзувчилар союзининг «Ёзувчи» нашриётини ташкил этиш тўғрисидаги масалани ҳал этишда силжишга эришилди, республика Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига тегишли имкониятларни қидириб топшиш тўғрисида қўрсатма берилди.

Ўзбекистон ёзувчиларининг асарлари гарчи Бу-

туниттифоқ миқёсига дадил чиқаётган, Москвада ва қардош республикаларда, чет элларда нашр этилаётган бўлсада, ўзбек адабиёти энг яхши асарларининг таржима қилинишини йўлга қўйиш соҳасидаги ишлар шу пайтгача аниқ-пухта ташкил этилмаганлигини эътироф этиш керак, дейди пленум қатнашчилари. Бу ишни яхшилаш учун ёзувчилар уюшмаси ҳузурида ихтисослаштирилган таржима бюросини тезроқ ташкил этиш зарур, бу ҳақда келишиб олинган. Пленум иштирокчилари ижодий ташкилот раҳбарларига ёш ёзувчилар билан олиб бориладиган ишларга кўпроқ эътибор бериш, майда-чуйда нарсаларга маблағларни беҳуда сарфламай, правление ва секретариатнинг диққат-эътиборини ёзувчилар ташкилоти фаолиятининг муҳим муаммоларини ҳал этишга қаратиш кераклиги тўғрисида тавсиялар берди.

Докладни муҳокама қилишда Муҳаммад Али, А. Файнберг, Хуриш Даврон, Абдулла Шер, Н. Владиминова, Темур Пулатов, Г. Нуруллаева, С. Азимов, О. Шарафуддинов, Туроб Тўла, Шукрулло М. Кенжабоев, М. Гребенюк, Р. Фарҳодий, И. Юсупов, Т. Нумамуротов қатнашдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмухамедов нутқ сўзлади.

Ташкилий масала қўриб чиқилди. Пленум Е. Е. Березиков ва А. Орипов ижодий ишга ўтганликлари муносабати билан уларнинг ўз вазифаларидан озод қилиш тўғрисидаги илтимосини қовдирди. Бир неча номзод қўрсатилиб сайлов ўтказилди. Н. К. Гацунаев ва Тоҳир Малик Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретарлари қилиб сайландилар.

(ЎзТАГ).

Социал масалалар бўлимида

Куни кеча Ангрендан командировкадан қайтиб келатганим. Ёнимга мўлабани энди сабаза ураётган, малласоч ўспирин тирди. Автобус елиб бормоқда. Ёўнингники чети бор-роғлар. Узоқлардан оппоқ қор билан қопланган тоғ ўнгилари ана шу боғларга туташиб ажиб манзара кашф этган.

— Шу даракларнинг ҳаммаси мева қиладики? — диққатимни бўлди йигитча.

— Албатта.

— Ангренликмисан, ҳеч ёзда ўтмаганмисан?

— Йўқ, ангреник эмасман. Оҳангаронданман.

— Пишиқчилик кезларида бу йўллардан юрмаганмисан?

— Владивостокдан келганмиз.

— Э, меҳмонмиз дегин?

— Йўқ, балки энди шу ерлик бўлиб қолармиз.

Тушуна олмай савол аломати билан унга қарайман. У сезиб давом этди:

— Онам анча муддат бетоб бўлиб қолди. Докторлар организмнинг витаминларга, қуёш нурига ташна, ўзингизга қарамасангиз оқибати яхши бўлмайди, Ўрта Осиёга бориб икки-уч йил турсангиз касалдан фориғ бўлиб кетишингиз ҳеч гап эмас, деб маслаҳат беришди. Оҳангаронда қариндош-

ларимиз бор эди, шу ерга кўчиб келдик.

— У ерда мева-чева йўқми?

— Узоқдан олиб келишди, барибир таги кам. Ўзимизда бўлса мевали дарахтлар ўсмайди.

— Бу ер ёқдими?

— Бу ерда одамлар бир-

тошкентлик бўлиб қолганига ҳам қизиққандим.

— Урушда бир оғимдан ажралдим, — деб давом эттирдим ҳикоясини, қаҳрамоним — Тошкентга госпиталга юборилди. Бегона одамлар ҳам кўп яхшиликлар қилишди. Меҳрибонликлар кўрсатишди. Госпиталда

асар чиққан. Китобда таъкидланишича, уруш йиллари пойтахтдаги министрлар орасида бир гап тарқалган экан, мазмун шунки, агар бирор корхонанинг ёки одамларнинг жойлаштиришга қийналсанг Юсуповга, Ўзбекистонга телефон қил. У ҳаммасини қилиб беради.

Журналист ён дафтаридан

БУВАМ ҲАҚ ГАПНИ АЙТГАН ЭКАНЛАР...

бирига меҳрибон. Кўнгли очик бўларкан. Мен ҳам маҳалладаги болалар билан тез дўстлашиб кетдим.

Ҳамроҳим Оҳангаронда ҳайрлашиб тушиб қолди. Мен негадир ҳаёлларга ихтиёр бердим. Касбим туфайли кўп жойларни кўрдим, турли одамлар билан мулоқотда бўлганман. Эсимда, мурмансклик Улуғ Ватан уруши қатнашчиси ҳақида ёзишга борганимда, қандай қилиб

бир ўзбек йигити билан танишиб қолдим. Уйига олиб кетди. Бир-икки ой уикида турдим. Кейин онамни бу ерга қайтариб олдим ва тошкентлик бўлиб қолдим.

Уша оғир уруш йилларидаги воқеалар ҳақида ўнлаб кинолар бор. Ҳаммаҳаллаамиз Шоаҳмад Шоаҳмадовлар оиласини яхши биламан...

Москвада «Ажойиб тақдирли кишилар» сериясида Усмон Юсупов ҳақида ҳам

Яна ҳаёллар оғушида қолмаман. Грецияда Озодлик ҳаракатини кўтарганлар ўз ватанларига сиймай қолдилар. Уларнинг катта қисми ўшанда Ўлкамиздан паноҳ топти. Республикада 800 минг атрофида татар, бир неча юз минг қрим-татарлар, бир неча юз минг европалликлар, грузин, армени, озарбайжон, яҳудий, қозоқ, қирғиз, туркман, қанча элатлар яшабди.

Марказий комитет аппарати, республика олий Совети, Министрлар Совети составини қаранг, деярлик ҳамма миллат вакиллари учрашиш мумкин. Демак, республикамизни миллат жиҳатидан Совет Социалистик республикалари иттифоқининг мўъжаз кўриниши, миллатлараро дўстликнинг рамзи, ифодаси дейиш мумкин.

Мен болалигимда буваминг оғизларидан «Дунёга одам сиймаса ҳам Тошкентга сийади» деган маталсифат гапни неча бор эшитганман. Қандайдир ургу билан айтгандилар.

Ахир дунё Тошкентдан катта-ку, қанақа қилиб одамлар дунёга сиймаса Тошкентга сийади деб ўйиннинг охирига ета олмасди. Мурғак ақлим уни англашга ожиз экан. Буваам мажозий маънода айтган эканлар. Тошкент деб ўлкамизни рамз қилганлар, ўзбекларнинг кенг қалби, одамшонавандлиги, сермулозаматлиги, миллат ажратмаслиги, жафокашлиги, меҳнатсеварлиги, сув келса сийириб, тоғ келса кемириб кетиши каби кўпдан-кўп ҳислатларини назарда тутган эканлар.

Будир ПУЛАТОВ.

АЕЛНИНГ ташвиши кўп. Давлат корхонасидаги меҳнат, рўзгор юмушлари, фарзандлар ташвиши. Қаерга бормайлик, ким билан шу мавзуда суҳбатлашмайлик, аёлларга ҳамдардлик билдиради, уларнинг меҳнатини енгиллаштириш ҳақида фикр-мулоҳаза юритади. Гап айтган бошқа, уни амалда қўллаган бошқа. «Средазхиммаш» илмий-ишлаб чиқариш бirlашмасининг Чирчиқдаги «Ўзбекхиммаш» заводига меҳнатчи аёлга гажмўрлик программаси ишлаб чиқилган, ушбу программанинг дастлабки боби бўйича корхонада уч ёшгача фарзанди бўлган ишчи-аёлнинг отпускига уч йилгача узайтирилди. Бу программани ишлаб чиқишда завод директори О. А. Вартаваняннинг бевосита ҳиссаси бор. Овanes Агопович, директор бўлсам аввало аёлларга гажмўрлик қиламан, деб дилига тутиб қўйган экан. Бу йил унинг дастлабки нияти амалга ошди. О. А. Вартаванян меҳнат фаолиятини ушбу заводда 1955 йилда пайвандчиға шогирдликдан бошлади. Йиллар ўтган сари малакаси ҳам ошиб борди, мастер бўлди, сўнг цех бошлиғи, бош инженер, няхот корхонага директор этиб тайинланди. Қўйида директор билан суҳбатлашамиз.

— **ОВАНЕС АГОПОВИЧ**, айтингчи, ишчи-аёлга қўшимча отпусқа ва нафақа тайинлаш гоёси қандай пайдо бўлди?

— Ҳизмат юзасидан ишчи аёллар билан ҳам суҳбатлашиб, маслаҳатлашиб туришга тўғри келади. Баъзан менга зарур бўлган кишини тополмай қоламан, кейин билсам у уйда ўтирган бўлади, Касаллик варақасига кўз югуртирсам «фарзандига қарагани учун» деган белгини кўраман. Бундай ҳолини кўп кўзатдим. Шундан кейин бу муаммо ҳақида чуқур мулоҳаза юритдим. Аёллар иш жойида хотирижам бўлмаса ишининг ҳам унуви бўлмайди. Иқтисодчиларга бир йилда ёш болали аёллар қанча касаллик варақаси олганини ҳисоблаб чиқишнинг илтимоси қилдим. Тахминим тўғри чиқди, аёлларнинг меҳнати-дан кўра касаллик варақасига кўп пул тўланаар экан.

— **Аниқроқ мисоллар келтириш мумкинми?**

— Масалан, 1988 йил мисолида олишимиз мумкин. Корхонамида уч ёшгача боласи бўлган 300 дан зиёд аёл меҳнат қилади. Бу аёллар йил давомида уйда ўтириб 20 процент иш вақтини йўқотар экан, аниқроғи ишга чиқмайди. Корхона ишчи-хизматчиларининг ўртача ойлиги 220 сўм атрофида, фақат аёллариникини ҳисоблаганда 150 сўм чиқади. Бир ойда аёлларнинг касаллик варақасига ўртача 120 сўм ҳақ тўланаар экан. Биз вақтинчали иш қобилиятини йўқотган 100 аёлни танаб олиб бир йилда касаллик варақасига тўланган пулни ҳисобладик,

корхонанинг хўжалик ҳисоби ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз?

— 1987 йилнинг бошидан завод тўла хўжалик ҳисобига ўтиб ишламоқда. Хўжалик ҳисобининг афзалликлари кўп экан. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифати яхшиланиши билан бирга, ишчилар ҳисоб-китобини юритишни ўзлаштиришди. Ўтган йили фойда олиш плагин 3 миллион 342 минг сўмга ошириб бақарилди. Олган жами фойдамиз 12 миллион 627 минг сўмни ташкил этди. Олинган фойдадан 56 проценти ишлаб чиқаришга, 27 проценти социал, маданий-маиший, 17 процент фойда моддий рағбатлантириш фондларига бўлиб берилди. Нафақа тўлаш соци-

луксиз заводда ишлаган ва уч ёшгача боласи бўлган ишчи-аёллар, бир йил заводда ишлаган ёш мутахассис аёллар ана шундай ҳуқуқдан фойдаланадилар. Бу отпусқа ва нафақа боланинг бир ярим ёшга тўлганидан сўнг, онанинг ёзма мурожаатида кейин тайинланади. Оилада икки ва ундан ортиқ болали аёлларга нафақа фақат битта бола ҳисобида берилди. Қўшимча отпусқа ва нафақа олиш учун аёлнинг турмуш ўртоғи ҳам заводда ишлаш шарт. Қўшимча отпусқа ва нафақа олаётган аёл вақтинчалик иш қобилиятини йўқотгани учун касаллик варақасига ҳақ тўланамайди. Уйда ўтирилган қўшимча бир ярим йиллик вақт қариллик пенсияга чиқётганда ва иш стажига қўшилмайди, уларга йиллик отпусқа берилмайди.

— **Ованес Агопович**, нима учун тўрт ва ундан кўп болали аёллар қўшимча отпусқа ва нафақа олишдан фойдаланмайди?

— Шундай мушохода юри-тайлик: уч болали аёл завод ҳисобидан уч ярим йил уйда ўтиради. Нафақани аванс ҳисобида қабул қилидиган бўлса, уч-тўрт йиллик бу пуллари заводда ишлаб ўзини мумкин. Беш-олти йил қўшимча нафақа олиб уйда ўтирадиган аёл заводдан қарзини ўзини анча мушкул, чунки аёллар бир жойда 20 йил меҳнат қилиб пенсияга чиқиб кетиши мумкин. 20 йил ичида завод ҳисобидан олти-етти йил аёлларнинг уйда ўтириши ўзини оқламайди.

— **Имтиёздан фойдаланиш қачон бекор қилинади?**

— Бахтсиз ҳодиса рўй берганда, гўдак болалар богчасига жойлаштирилганда, аёл ҳомиладорлик отпускига чиққанда, турмуш ўртоғи ишдан бўшаганда, у ёки бу ҳодим меҳнат интиминомини бузганда қўшимча отпусқа ва нафақа бериш тўхтатилади.

Ҳозир завод ишчиларидан 15 нафари ана шундай имтиёзлардан фойдаланаяпти.

Ованес Агопович билан суҳбатимиз давомида, у келгусида ёш болали аёлларнинг иш вақтини 4 соатга қисқартириш нияти борлигини айтди.

Суҳбатчи
А. ҒУЛОМОВ
олиб борди.

УЧ ЁШГАЧА
У Й И Д А

«ЎЗБЕКХИММАШ» ЗАВОДИНИНГ ЁШ БОЛАЛИ АЁЛЛАРИ АНА ШУНДАЙ ИМТИЁЗДАН ФОЙДАЛАНМОҚДАЛАР

29 минг 760 сўм чиқди! Болалар богчасининг кичик группасига 280 нафар жажжи фарзандларимиз қатнайд. Йил давомида 100 боланинг богчага қатнаши учун 60 минг сўм сарфланади. Шундай қилиб, жами аёлларнинг касаллик варақасига ва болалар богчасига ҳақ тўлаш салкам 90 минг сўмин ташкил этди. Биз ҳисоб-китоб қилиб, аёлларга ойига 80 сўмдан нафақа беришни режалаштирдик. Шунда биз кўпол ҳисоб-китобларга кўра, 10 минг сўм фойда кўраямиз. Бундан эса муҳим хусусият, аввало бола соғ-саломат онасининг бағрида катта бўлади. Уч ёшдан кейин богчага қатнаши мумкин. Қолаверса, ишлаб чиқаришда узилишлар бўлмайди, фалон ишчи эртага ёки индинга ишга чиқармikan, деб қутиб ўтирилмай ишлаб чиқариш бир изга солиб олинади.

— **Нафақа қайси наблигдан тўланапти?** Умуман

ал маданий-маиший фонд ҳисобидан амалга оширилаяпти.

— **Нафақа тўлаш Низомининг қандай ишлаб чиқилганлиги ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Маммурият, жамоат ташкилотлари тақлифимни маъқуллашгандан кейин, уни меҳнат коллективи кенгаши кўриб чиқди. Уларга ҳам тақлиф маъқул тушгач, низомнинг лойиҳаси ишлаб чиқилди ва у ўтган йилнинг ноябрь ойида «Машиностроитель» кўп нускали газетига эълон қилинди. Лойиҳа икки ой муҳокама қилинди. Корхона меҳнат коллективи кенгашининг 1989 йилнинг 5 январида бўлиб ўтган конференциясида лойиҳага қиритилган тўзатишлар, тўлдиришлар билан бу ҳужжат тасдиқланди.

— **Завод ҳисобидан қўшимча отпусқа ва нафақа тўлаш Низомин билан таништирсангиз.**

— Марҳамат. Уч йил уз-



30 март куни Чирчиқ шаҳридаги ички ишлар бўлими навабчилик қисмига пенсионер С. Гашева гаражидан мо-педи ўғирлаб кетилгани ҳақида хабар қилинди. Эртасига пойабзал фабрикаси ходимаси В. С. Т. ҳовлисидаги ҳужрадан шахсий мулкларини ўғирлашга уриниш бўлган. Номаълум кишилар ҳужра эшиги қулфини аралаб, ғойиб бўлишган.

Милиция ходимларининг тезкор ҳаракатлари натижасида 1 апрель куни айбдорлар қўлга олинди Улар ҳеч қероа ишламаётган Ф. Н. Морозов ва С. С. Валиев экан. Улар ўз айблариға иқдор бўлишди.

29 март куни область икк-рония комитети ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан 1963 йилда туғилган; ғишт заводи ишчиси Вадим Хачатурович Вартамян ҳамда 1972 йилда туғилган, ҳеч қероа ишламайдиган Хачун Вартамян наша билан қўлга олинди-лар. Шунингдек, ушбу оғуни пуллаётган, 1962 йилда туғил-ган, ҳеч қероа ишламайдиган Александр Иванович Цибунковский ҳам ушланди. Унинг уйи тинитилганда умумий оғирлиги 79,8 грамм келадиган 15 ўрам наша топилди. Бу иш юзасидан тергов олиб борилаяпти.

28 март куни минерал ўғитларнинг ўт олиши натижасида Бекобод районидаги Мавлонов номли совхоз оғборқонасида ёнғин бошланди. Бунинг натижасида деярли 2 минг сўмлик минерал ўғит ноубуд бўлди. Зудлик билан этиб келган ўт ўчирувчилар олов йўлини тў-сириб, бошқа талафотлар олдини олишга муваффақ бўлидилар.

Область икк-рония комитети ички ишлар бошқармаси мат-буот маркази.

• Биз—интернационалистлармиз •

Ташкилий комитетнинг навбатдаги мажлиси арафасида район марказий клубдан махсус хона ажратилиб, «Халқлар дўстлиги» кутубхонаси ташкил этилди. Унга биринчи бўлиб Ғалаба район партия комитети секретари Л. В. Горина шахсий кутубхонасидаги китоблардан бир қисmini тақдим этди. Район партия комитети инструкторлари Д. Сариев, С. Глушцов келтирган китоблар ҳам жовонларга қўйилди.

Бу хайрли ишдан 9-24 ўрта мактаб ўқувчилари, «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозни ишчилари ҳам четда қолмади. Кенг жамоатчилик ҳиссаси билан кутубхона турли тилларда нашр этилган китобларга тўлиб борапти.

Уруш ва меҳнат ветерани Сотиболди Қосимбеков жавонлардаги китобларга кўз ташлаб мамнун бўлди. У 30 йилдан бери марказий кутубхонанинг аъзоси. Ўзи ҳам уйда бой кутубхона ташкил этган. Шахсий кутубхонасида йўқ китобларни шу ерда кўриб уларни бир-бир қўли-

БАРЧА МИЛЛАТ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

ҒАЛАБА РАЙОН ИНТЕРНАЦИОНАЛ-МАДАНИЙ МАРКАЗ
МАЖЛИСИДАН

га олди. Сўнг шахсий кутубхонасидаги китобларни ҳам шу кутубхонага тақдим этишга қарор қилди.

«Огонёк» совхози экспеди-тори, марказ ташкилий комитетининг раиси Қирғизбой Дўстмохамбетов тарихий китобларга қизиқади. У Сталин даврида репрессияга учраб кейинчалик оқланган ки-шилар ҳақидаги китоблардан махсус кутубхона ташкил этган. У ҳам шу китобларни «Халқлар дўстлиги» кутубхонасига тақдим этмоқчи.

— Афсуски, мен ўз халқим тилида чоп этилган би-ронта ҳам китобга эга эмас-ман,— деди 51-ўрта мактаб ўқитувчиси Камол Вейсалов.— Йўқса уларни икки қўлаб шу ерга олиб келардим. Турк тилини ривожлантириш, шу миллатга мансуб киши-

ларнинг маданий эҳтиёжла-рини қондиришга етарлича эътибор берилмаётганлиги мени афсуслантиради. Бола-ларимиз ўз она тилларида билим ололмайдилар. Чунки туркча мактаблар йўқ. Фа-қат ўзбекча ва русча мактаб-ларда ўқиш мумкин. Район-нимизда интернационал ма-даний марказ ташкил этила-ётганлигини эшитиб беҳад қувондим. Қишлоғимизда турк тили ва маданиятини ривожлантириш бўйича ту-зилган гуруҳ аъзолари шу марказга бирлашишга қарор қилишди. Марказда туркча секция очилиб ўз тарихимиз ва маданиятимизни чуқур-роқ ўрганамиз, албанлари-мизни ёшлар ўртасида кенг тарғиб этамиз.

Интернационал маданий марказни ташкил этиш бў-

ТАШКИЛИЙ КОМИТЕТИ

йича тузилган ташкилий ко-митет аъзолари кейинги бир ой ичида катта ҳажмдаги ишларни бажаришди. Мар-казнинг тахминий устави «Ленин йўли» район газета-сида эълон қилиниб, омма-нинг фикр ва мулоҳазалари ўрганилди. Ҳойларда турли миллат вакиллари билан уч-рашувлар ўтказилиб, уларга марказни тузишдан мақсад ва вазифалар тўшунтирилди. «Наврўз» байрамига интер-национал руҳ бахш этилди. Солдатское шахридаги мада-ний ва истироҳат боғида, «Огонёк» совхозида ўтказил-ган байрамларда барча мил-лат вакиллари иштирок эт-дилар. Кореяларнинг янги йил байрами ҳам гавжум бўлди.

Ташкилий комитет район Совети ижроия комитетига

кўчалар номини қайта кўриб чиқиш, донгдор кишилар, Афғонистонда ҳалок бўлган интернационалчи жангчи-лар номини абадийлашти-риш ташлифи билан чиқди. Ҳойларда қайси миллат ва-киллари кўпроқ бўлса, кўр-газмали агитация воситала-рини ўша миллат тилида ёзиш тавсия этилди.

Энди ташкилий комитет олдида интернационал мада-ний марказнинг татъис кон-ференциясини ўтказиш вазифа-си турибди. Мажлисида асосан конференцияга тай-ёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар му-ҳокама қилинади. Унинг қат-нашчилари конференцияни 25 апрелда ўтказишга кели-шиб олдилар. Конференция-да турли миллат вакиллари-дан салкам 400 делегат иш-тирок этади. Улар ташкилий комитет ахборотини тингла-гач, устоз лойиҳаси бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадilar, раҳбар орган-ларни сийлаб, миллатлар бў-йича секциялар тузадилар.

Ж. НОСИРОВА.

ДЎСТ МУСИБАТДА БИЛИНАДИ

«Тожикистон ССР Ҳисор район Шарора қишлоғида табиий офатни бартараф этиш бўйича тузилган штаб Акмал Икромов «Райпродторг»га зилзиладан зарар кўрган қишлоқларга кўрсатган ёрдамлари учун миннат-дорчилик билдиради.

М. САРАЕВ,
Штаб аъзоси, Ҳисор район партия комитетининг инструктори.

«Акмал Икромов «Райпродторг»нинг ҳурматли хо-димлари ҳимматларингиз учун ҳамқишлоқларимиз, ай-ниқса, қарияларимиз номидан сизларга мингдан-миг раҳмат айтмакчи. Биз кўрган мусибат ҳеч кимнинг бо-шига тушмасин. Раҳмат, сизга дўстларимиз!

Шарора қишлоғи аҳли номидан 96-ўрта мактаб ил-мий бўлим мудир.

Ражаббой Жўраев.

Акмал Икромов «Рай-продторг»да бу икки мак-тубни янгида олишди. Улар бундан бир ярим ой олдин бўлган воқеаларни ёдга ту-ширди.

Ҳисордаги фожиа эр-силкинишни республика-мизнинг ҳамма кишилари қато-ри Акмал Икромов райони савдо ходимларини ҳам из-тиробга солди. Бу коллек-тивда қардошлик ҳис-туйғу-лари кучли. Арманистондаги зилзила пайтида ҳам «Рай-продторг» ходимлари 8 минг сўм пул тўплаб, уни ердан фондида ўтказишдан эди. То-жикистонда табиий офат рўй бергандан кейин торг дирек-тори Ҳ. Н. Каримов номига ўнлаб аризалар туша бошла-ди. Ҳар бир магазин кол-лектив дўстлар кулфатини енгиллаштириш учун баҳоли нудрат кўмаклашишга қарор қилди.

Савдо ходимларининг и-хтиёрий равишда тўплаган пуллари жамланганда 5 минг сўмни ташкил этди. Аввали-га бу пулни Тожикистонга ёрдам фондида ўтказиш мўл-жалланган эди. Ленин торг ходимлари ўзаро маслаҳат-лашиб, бу пулга зарур озиқ-овқатлар сотиб олиб, Ҳисор-га юборишни маъқул куриш-ди.

Шу тариқа ун, ёрма, сут ва гўшт маҳсулотлари, гу-руч, ширинликлар юкланган автолавка Тожикистонга йўл олди. Бу машина билан торг ташкилий бўлимининг муди-ри Зоир Толипов, комсомол ташкилоты секретарининг ўринбосари Ҳасан Асатов ҳам йўлга чиқдилар.

— Ҳисордаги учрашувлар бир умр ёдимда қолди,— ҳикоя қилади З. Толипов.— Зилзила даҳшатли бўлишини

эшитгандик, аммо ўз кўзи-миз билан кўрганларимиз бундан ўн чандон мусибатли чиқди. Шундай бўлишга қарамай, тожик дўстларимиз табиий офатга иродалари, уюшқоқликларини нарий қўйишди. Ҳисорликларнинг ангагинаси яқинлари, қарин-дош-уруғларини йўқотган бўлсаларда, ер силкиниши оқибатларини бартараф этиш-да аҳиллик кўрсатдилар.

Шарора ва Қорапчиқ қишлоқларининг аҳолиси бизни ўз қадрдонларидек ку-тиб олдилар. Уларнинг че-ралаарида оғир, тасвирлаб бўлмас даража мунг, айни пайтда қатъиятлик, ирода муҳрланиб қолган эди. Биз автолавларни тўхтатиб одамларни чақирдик. Аста-секин аҳоли тўплана бошла-ди. Болаларга ширинликлар улашдик. Барчанинг кўзла-рида севинчдан, ҳаяжондан ёш пайдо бўлди.

Қош қорайганда эса ўз-бекистонлик вакиллар ўтов-ларга, палаткаларга бориб жафо чекканлардан ҳол-аҳ-вол сўрашди, қолган маҳсу-лотни бўлиб беришди. Шун-да улар ёрдам фондида пул ўтказиш билан чекланмасдан биродарларининг оғир оила-рида ғамларига шерик бўл-ганларни қандай яхши экан-лигини яна бир бор чин юракдан ҳис этишди.

Икки кундан сўнг авто-лавкалар Тошкентга қайтди. Акмал Икромов «Райпрод-торг» ходимлари тожики-стонликларга фақат озиқ-ов-қат маҳсулотларини эмас, мусибатли онларда қалб кўр-дари, меҳрибонликлари, ҳам-дардлик туйғуларини ҳам қолдирган эдилар.

А. НОСИРОВА.

• Наврўз шодиёналари •

БОҚИЙ ДАХЛСИЗЛИК ТИЛАЙМИЗ

КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ ХОНОБОД ҚИШЛОҚ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ
РАЙСИ С. МАХМУДОВ БИЛАН СУҲБАТ

НАВРЎЗ — даҳлсиз маросим. Уйғониш, янгила-ниш фасли, ризқ-рўз фасли баҳор билан боғлиқ удум. Наврўз — меҳнаткаш халқ эзгу орзу-ниятлар билан далага чиқиб, қўш қўшиб, ер ҳайдаб, барака уруғи қадайдиган баҳорини байрам.

Афсуски, гаразди мақсад ва оқибатлардан ҳоли, мутлақо беэтиб шундай ажойиб удумимиз ҳам тур-ғувлик даврининг буйруқбоз-туралари касридан омон қолмади. Хайриятки, давр ўзгариб, халқ соғиниб кутган Наврўз аслига қайтди.

Қишлоғимиз меҳнаткаш-ларининг сеvimли маросим-ларини ангагина соғиниб қол-ганликларини ҳозир биз бир қатор янгиликлар мисолида кўриб турибмиз. Гапни Қу-марик маҳалласи аҳолиси-нинг бошқаларга ибрат бў-ларди ҳайрли ишидан бош-ламоқчиман. Владимир об-ластидagi ҳарбий қисмлар-дан бирида хизмат қилиб юр-ган солдат Махмуд Раҳимов ўрмонга фавқулодда тушган ўтин ўчиришда чинакам жа-сорат ва фидойилик кўрсата-ди. Ҳатто жонини ҳам аяма-ди.

Жасур солдат ўз маҳалла-сидаги Митон ота қабристон-ларига дафн этилган. Бироқ ҳарбий комиссариат М. Ра-ҳимовнинг қабрига ёдгорлик ўрнатмади. Маҳалла аҳли бундай муносабатдан ноли-мади, балки ўзи ташаббус кўрсатди. Наврўз байрами бошланishi арафасида жасур ҳамқишлоқларининг қабрига мармар ўрнатиб, унинг хоти-расини абадийлаштирдилар.

Дарвоқе, бу йилги Наврўз хотира кун билан ҳам боғ-ланиб, уйғунлашиб кет-ди. Қишлоқ Советимиз территориясидаги ҳамма қаб-ристонларда халқ хашарлари бўлиб ўтди. Мақсад—таш-

ландикдек бўлиб ётадиган бу қабристонларни тартибга со-лиш, кўналарзорлаштириш, зарур бинолар қуриш, хула-са ўтганларни хотирлаш учун иелувчиларга қўлай шароитлар яратиб қўйишди. 26 март Ўзгариш, Хонобод-тепа, М. Горький, Отамозор ва Митон ота қабристонлари-га халқ тўпланди, миллий та-омлар тайёрланди. Табиийки, аҳоли бу қабристонлари-да ўз ҳамқишлоқларини, яқин кишиларини эслаш, улар хо-тирасини эъзозлаб ёдга олиш учун келди. Бинобарин, ҳар кимнинг хоҳиш-ихтиёри ўзи-да бўлди. Зияратчилар ўз гуруҳлари билан сайр қила-дилар, яқин кишилари хоти-расини истаганларича ёдга олдилар. Аввали йиллар-дагидек расмий митингбоз-ликларга чек қўйилди.

Очигини айтганда, бевоси-та Наврўз билан боғлиқ анъанавий одатлар йўқ бў-либ кетаётган эди. Чунончи, ҳалим ва сумалак базмлари оммавийлигини йўқотиб, ора-чора баъзи хонадонларда я-ка ҳолда ёки уч-тўрт кўшни биргалашиб тайёрлайдиган бўлиб қолган эди. Бу йилдан бошлаб ҳалим ва сумалак тайёрлаш ҳам аслига қайтиб, оммавий тус олди. Масалан,

Ворошилов маҳалласида кат-та дошқозонда ҳаммага ета-диган қилиб ҳалим пиши-рилди. Бериуний ва М. Горь-кий маҳаллаларида эса су-малак тайёрланди. Бу маро-симлар қишлоқларимизда қарий бир ой узлуқсиз да-вом этади.

Или наврўз кунлари омма-вий тус оладиган яхши ма-росимлардан бири қўшоши деб аталарди. Қўшма келиб, қўшчилар ерни омон билан ҳайдашга киришганларидан қувонган деҳқонлар тансиқ таомлар тайёрлаб, даладага олиб чиқишарди-да, қўни-қўшнилари билан баҳам кў-ришарди. Энди қўш ҳўнжуз омон билан ер ҳайдаш йўқол-ди, бироқ қўшоши удуми бу-тунлай йўқ бўлиб кетмади, балки бошқача тарзда давом этмоқда. Масалан, ариқ-зо-вурларни тозалаш, экин май-донларининг четларини кет-монда текислаб екинга тай-ёрлаш кезларида қўшгина хо-надонлар кетмончилар учун навошти билан таомлар тай-ёрлаб чиқаришди. Бундай пайтларда, ҳазил-муйиба, хурсандчилик авжга чиқади, иш унумли бўлади, деҳқон-ларининг кайфияти кўтари-лади.

Хуллас, бу йилдан бош-лаб халқнинг сеvimли маро-симини бўлган Наврўз қайта жонлана бошлади ва унинг йил сайин оммавий тус олиб, давримизга мос янги-янги қирралари намоён бўлиши шубҳасиздир. Биз Наврўзи оламга боқий даҳлсизлик тилаймиз.

Суҳбатчи А. Йўлдошев ёзиб олди.

«ШАРҚ ГУЛИ»ДА ҲАМ...

Тошкент бадний буюмлар фабрикаси коллективи 1988 йил ақунига кўра Бутуниттифок ақунистик мусобақасида го-либ чиқди. 1989 йил 1 январьдан бошлаб эса унга «Шарқ гули» бадний ишлаб чиқариш бirlашмаси» деган ном бе-рилди.

Яқинда ушбу байроқдор кол-лектив меҳнат аҳли ҳам баҳор байрами—Наврўзи оламни зўр шодуналик билан нишонлади. Дастурхонни баҳор таомлари—кўн сомса, сумалак ва бошқа-лар беазаган эди. Атроф маҳал-да ва районда истиқомат қи-лаётган машшоқ ва созанда-лар

кечага ўзгача фойз бағишлаш-ди.

Ингиланларда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Эргаш Каримов ва Роза Каримоваларнинг номерлари, шоир Эргаш Мухаммад шеврлари, Ленин номида пионерлар са-ройининг «Олдуз» ва «Гўнаҳ» ансамбллари чиқишлари катта таассурот қолдирди. Эгамбер-ди Шерматов раҳбарлигидаги фабрика чеварларидан ташкил толган раққоса ва хонадалар ижро этган рақс ва қўшиқлари ансамбли манзур бўлди.

А. ТОЛИПОВ.

ЧУСТИЙНИ ХОТИРЛАБ

Тошкент шаҳар Гулобод кў-часидаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳоли ма-ҳалла иттифоқчилигининг асос-чиси эларо ардоқли шоир Чус-тий домла хотирасини ҳар ба-ҳор тантана қилишни анъана-га айлантирган. Катта олинаниг бу йилги маросими Наврўз шодиёналарига улашиб кетди.

Микрофондан магнит лента-сига ёзилган Чустий шеврлари янгради. Даврага таширф бу-юрган маҳалла хонанда ва со-зандалари шоир шеврларига басталанган қўшиқларни ижро этдилар.

А. МАХСУМОВА.

САНЪАТ.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 11, 18 ва 28-февраль сонларида «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари» спектакли ҳақида бир қатор ўқувчиларимизда катта қизиқиш уйғотди, биз бу мавзуда жуда кўплаб хатлар олдик. Хатларда атоқли адабнинг ҳайти ва унинг машҳур романи асосида яратилган сахна асарига кўнчаларик билан муносабат билдирилган кишини кўзатишди.

Биз кўнчада танқиди театршунос олим Б.Насриддиновнинг мазкур асар юзасидан билдирган ҳолис фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Биз инсоннинг ҳақиқий бойлиги, чинакам гармоник камолоти унинг ҳар томонлама озодаги-ю иқтимоий-сиёсий, ижодкорлик эркинлигисиз сира мумкин эмаслигини борган сари чуқурроқ ядрок эътиборимиз. Шахсга сизиниш ва турғунлик даврлариде фикрлар хилма-хиллигига ҳаёмиёт бериш унутиб қўйилганди. Ҳақиқат юзини адолатлиликнинг қора кўланкаси қоплаган пайтларда ман этувчи буйруқлар, асарини гумдон қилувчи, ҳатто унинг муаллифига жиддий пугурлар етказувчи қатагон қилиш нимага олим келмайдими!.

Кўнча ижодкорларга ноўрин таъна тошлари отилиб, улар шайинга турли уйдирма тамғалар босилди. Жумладан, ўзбек миллий драматургиясининг отаси М. Бехбудий «манфур аксинлиқчи» деб аталди. «Туркистон интернационали», «Марселезларнинг ёзган, сахна Навоийнома-мига асос солиб берган Хуршид «миллатчи» тамғасини олди, машҳур «Ҳалима»нинг муаллифи, танқиди санъат намояниси Ф. Зафарий «халқ душмани» деб номланди. М. Қориевқубов, С. Норхонов сингари машҳур хонандар ҳам миллатчи-ю, халқ душмани деб ҳақоратландилар, ҳибсга олин-дилар... Романичиликнинг асосчиси Абдулла Қодирийга ҳам «халқ душмани» муҳри босилиб, маҳв этилди.

Адиб тақдирини нанкин драматик, балки фожияли тугади... Шу вақтларгача А. Қодирий сиймоси на радио, на телевиде-неда, на кинода ва на театрда жонлан-дики, халқимиз ва айниқса, ёш авлод маш-хур адиб образини кўз олдига кўриб, фожиясидан жонли равишда огоҳ бўлиб, муно азувчи, хассос романивис тиксоли мана шундай бўлган экан, деб тасаввур эта олса...

Мана шу вақт доғини драматург Изаат Султон, режиссёр Л. Файзиев Ҳамза номи театр ижодкорлари билан ҳамкорликда йўқотишга ҳаракат қилдилар ва натижада «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари» номи спектакль пайдо бўлди. Сир эмас, шу кунларда театр эли мазкур спектакль ту-файли ҳам томошабинлар билан тўлиб турибди. Бунда албатта, Қодирий номи муайян аҳамиятга эга. Аммо бу ерда қи-шларини жалб этётган нарсаси фақат ади-бининг номи дейиш ҳам адолатдан бўлмай-ди. Зеро, биз афшар-ю эълонларда мана-ман деган номлар қўйилганда ҳам то-мошабин кам келганини, спектакллар жуда бўш залларда бир неча мартагина кўрс-етилиб, қизиқиш уйғотмай сахнадан ту-шиб кетган ҳоллар ҳам бўлганини била-миз.

Шуни ҳам айтиш керакки, И. Султон дастлаб театрда «Утган кунларнинг ин-сценировкисини олиб келган. А. Қодирий унда воқеаларни баён этиб беришчи му-аллиф сифатида намоён бўлган. Уни «Ҳамза»чилар ўқишчилару драматургдан бошқачароқ йўл тутишни талаб қилдилар, бош режиссёр Л. Файзиев эса — буюк азувчи шахсга сизиниш даврининг қурбони бўлди, асар унинг аянчи тақдир ҳақида ҳам бўлиши керак, «Утган кунлар» экранда мумкамас этилган, киновининг имкониятла-ри сахнакиндан кенгроқ, фильмдан ўтқа-зиб бирон-бир нарсаси дейиш маҳолроқ бўл-са керак, деган фикрни айтди ва ўз тақли-фига И. Султонни кўндирди. Натижада, мақсад ўзгарди...

А. Қодирий панжасига нарсда панжа урмақ, албатта, осон ишлардан эмас. Бунинг ахши тушунган И. Султон Л. Фай-зиевлар машҳур азувчи асарлари «мо-тивлари» билан ҳаётини лавҳаларига дра-матургия, таъна услублари орқали «пан-жа» урмақ йўлини танлаганлар. Натижада янги, кенжа жанрлардан ҳисобланган дра-матик ривоят, янада анжирроқ «версия» — «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари», яъни инсценировкадан фарқли ўлароқ азувчи асарлар асосида ва ҳаётини лав-ҳалари негизда тайёрланган сахна асари — ўзига хос драматургик намуна юзага келган. Унда театр коллективи биринчи мартаба Қодирийнинг жонли сиймосини гавдалантиришга ҳаракат қилган, бунда Л. Файзиевнинг хизматини ҳам таъкидламоқ

керак. Фақат мана шу мураккеб экспериментни амалга ошириш жараёнида йўл қўйилган бир эҳтиётсизликни ҳам хо-лисона эслатиб ўтишимиз керак. Даст-аввал, драматург ва театр мутасаддилари спектакль программасида «Абдулла Қо-дирийнинг ўтган кунлари» (А. Қодирий-нинг «Утган кунлари» эмас) ҳамда ҳас-ничда «драматик ривоят» деганлару, аммо «азувчининг асарлари ва ҳаётини лавҳа-лари асосида ёзилган» деган ниҳоятда муҳим ва зарур сўзларни кўрсатишни унут-иб қўйганлар. Кўпроқ мана шу нарсаси са-хна асарининг муаллифи ҳам, режиссёр ва театр ҳам мунаққидлару азувчи зурриятла-рининг гинаю ҳафтарчиликларига себаб бўлди. Агар шундай деб кўрсатилганда, кўпгина эътироз ва танқиди мулоҳазалар ўзгачароқ тус олган, ижодий изланиш си-фатида ушбу асарга ёндошилган бўларди.

Ахир бундай тажрибалар мамлакатимиз драматургияси ва театр жараёнида ҳам майдонга келиб турибди-ю!

«Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари»дан кўзланган асосий мақсад — ўтмишдан са-боқ олиш ва разолатга йўл қўймасликдир. Ҳақ-ҳуқуқлар ноймол этилмасин, Худоёрхон ва Азизбеклар даврида ҳам бўлган, шахсга

ган, конфликтлар, ҳодисалар, ҳаракатлар талаб қилганда драматик сиймосини та-рангроқ тортиш, эпизодларни янада таъ-сирчан этиш ниҳоятда сахна ачини калити доирасида ўзининг тексларини, оригинал шеърини мисраларини ҳам анча-мунча қўшган.

Бизнингча, драматург И. Султоннинг ори-гинал тексларига, шу жумладан, шеърини мисраларига ҳам баҳо бериётганда ай-рим миноқидларимиз камситувларга ўрин бераётирлар. Аслида эса «Кумуш-нинг ўйлари» ва «Отабекнинг ўйлари» каби сахналарга мансуб шеърини мисралар унча-лик савз ва дидсиз эмас. Бу ерда шуни ҳам айтиш мумкинки, И. Султон нарсда А. Қодирий панжасига панжа урولмаседа, би-роқ драматургияда ва шеърини мисралар битишда мазмунли, лирик кечинмалар бил-ан йўрилган поэтик тексларни сахна асарига кирита олган.

Адолат юзасидан айтганда, бу мисралар жозиба, уларда ҳаяжон ҳам йўқ эмас. Унда дил маъжис, савгачининг қалб ҳаро-рати сезилади, ўзига хос ташбеҳ, нисбат-лар бор... Шунинг учун ҳам фақат Қодирий тексти сахнада кетгандагина спектакль эпи-зодлари томошабинларни ушлаб туради, драматургикнида эса аксинча... кабилидеги даъволар жуда ҳам асосли бўлмасе керак. Қодирийнинг ҳам, драматургнинг ҳам тек-сларида бақувват фикрлар мавжуд. Бунда режиссёр ва ижрочиларнинг ҳам хизмат-и бор.

Аммо «Абдулла Қодирийнинг ўтган кун-лари»да ҳамма нарсаси бадий баркамол дея олмаймиз бизнинг. Бу ерда ҳам ҳақиқатга нисбатан мунофиқлик қилмаслигимиз, мав-жуд қусур, етишмовчиликларни ҳаспўшлаб

ча берилиб кетиш деб тушуниш мумкин.

И. Султон асариде шеърини шаклга му-рожаат қилинганига ҳақида ҳам эътироз-у баҳслар келтириб. Романда, бизнингча, шеърини шаклга мурожаат Қодирий услуб-ининг бир хусусияти. Бунинг биз «Мехроб-дан чаёнда Раёно ва Анвар мулоқотида курамиз. Бу спектаклда шеърини диалог-ларини ишлатиш Қодирийга ёт эмас, балки унинг ана шу хусусиятини ўқитиб ўтади.

Ушбу спектакль ҳақида редакция матбуот орқали баҳс уюштириб яхши иш қилди. Зеро, унинг муаллифига ҳам, театр ижод-корлари, мутасадди ташкилотлар ва муна-қидларнинг ўзига ҳам фойдаси катта. Фикр алмашувлар, ошқора баҳсу ижодий торти-шувлар натижасида яратилаётган асарлар-нинг зувалеси янада пухта бўлади.

Маълумки, газета — бу гоёлар, фикрлар, баҳслар, мулоҳазаси тақдирлар майдони. Унга айниқса, ҳозирги демократия, ошқо-ралик лавҳаларида интилиш зурра бораёт-гани ҳам бежиз эмас. Бас, шундай экан, ушбу майдонга ижобий фикр билан чи-қанини яхши кўриш ва редакция шайинга фақат таъна тошмини отиш унча адолатдан бўлмасе керак (албатта бу ерда адолат тарозисининг посангиси ҳам эътибор мар-казида туршиш лозим). Мана шундай чоғ-ларда М. Горькийнинг бундан 70 йил ав-вал ёзилган «Бемаҳал фикрлар»идаги бани-сол ёфоризига айланиб қолган сўзларни ёдига тушади: «Мен ёмон кўришга қо-дирман, бироқ адолатли бўлишни афзал кўраман». Очгини айтганда, ушбу ибрат-муз сўзларнинг «ўрилик» иборасини қў-лаб юборганларга ҳам, драматургга нисба-тан бироз қизиконликка йўл қўйган адиб зурриятларига ҳам, айрим мунаққидлар-нинг ошқориб юборган танқидлари билан бирга кўзга ташланган ўрилли танқидий фикрларидан ортықча ўқисиб юрган театр ижодкорларига ҳам, ҳиссиётни омухта қи-либ «номуносиб» сўзини ишлатиб юборган муаллифга ҳам бироз тааллуқлилик бор-дек кўринади... Бизнингча, бу ерда ижод жараёни диққат пешойвонда турмоғи ло-зим, ахир драматург, театр ижодкорлари, мунаққидлар, қолеверса, адиб зурриятла-ри ҳамда редакциянинг мақсадлари ҳам бир интилишда мумкамаслашган — у ҳам бўлса, Абдулла Қодирий сиймоси билан биринчи бор сахна майдонига кириб кела-ётган асар ҳар томонлама етук, гоёвий ва бадий жидатдан баркамол бўлсин, деган холис ниҳат. Редакциянинг етакчи театри-мига нисбатан бўлган муносабатига кел-сак, бизнингча, унинг ижобийлигини ушбу иқтидорли коллективнинг ақиндагина ни-шонланган шоғли 70 йилгига туфайли га-зета сажифаларида ёритилган қатор ранг-ранг фақатгина ижобий материаллардан ҳам аққол кўриш мумкин. Ахир сахна Қодирийномаини энди юзага келмоқда, ҳали олдиндада композитор М. Тожиевнинг «Утган кунлари» операси (либретто И. Сул-тоновники), Муқимий номи театр ижод-корлари ниҳат қилиб юрган «Утган кунлари» музикали драмаси ҳам турибди. Бу асар-лар бирин-кетини сахна юзини кўриш учун ҳаммамиз биргаликда муаллифлар ва те-атрларга яқиндан ердан берсак фойдали бўларди. Ўйлаёмизки, бундай хайрли ижод-ий изланишлар бадий ижодада беназир санъаткорлардан М. Бехбудий, А. Алвоний, Ш. Хуршид, Ф. Зафарий, А. Фитрат, А. Чўлпон, А. Бедрийларнинг жонли образла-рини яратиш борасида ҳам амалга ошири-лади.

«Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари»-нинг сахнага қўйилиши, биринчидан, театр коллективи учун мазкур азувчи хотираси олдида маънавий бурчин оқлаш бўлди. Ик-кинчидан, бу асарни И. Султондек йирк олим ва драматург учун Жулуқбойнинг ўчмас сиймоси олдида ўз қарзини узиш деб ҳам тушуномқо керак (Ахир у ҳам ўз вақтида кўплар қатори Қодирий, Фитрат, Чўлпон ва бошқа йирк истеъдодларга ўз асарларида муайян нисбатларни бериб юборган). Ҳа, адабиётимиз ва театримиз ривожига катта ҳисса қўшган олим ва дра-матург халқимизнинг севилими азувчиси олдидаги ўз бурчин ва қарзини адо этаетир, театримиз ривожига ҳисса қўшиб кела-етир.

Саҳна асарининг бундан бўёнги тақди-рига келсак, бу борада халққа қўйиб бе-риш керак. Томошабин кўрсин, хулоса чи-қарсин, баҳо берсин. Унинг театрда кели-шининг ўзи спектакль умрини белгилайди.

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
Тошкент Давлат маданият институтини
доценти.

ХОЛИС СЎЗ
САЛМОҒИ

сизиниш йилларида ҳам қўлланган «Хуқ-ронлик эт, истаганингини қил» қабилдаги адолатсизликлар сира қайтмасин, деган ниҳатдир.

А. Қодирий ҳам Ш. Хуршид сингари бу-тун ижодида бирон марта «буюк шахс», «халқлар дохисини номини тилга олмасдан ўтди. Ўз навабатида бунинг уша зугумли даир ҳуқмдорига нисбатан муносабат деб тушуномқо даркор. Эскилик билан янгилик ўртасиданги боғлиғини ҳамда зиддиятлар масаласида ҳам бу икки йирк санъаткор фикр-мулоҳазаларида ҳамоҳангликлар уч-ради. Бунинг 1918 йилда К. Маркс театр труппаси томонидан кўрсатилган Хуршид-нинг «Ҳадид ва Қадим» драматиксига А. Қодирий томонидан «Жу-Бой» имзоси билан матбуот орқали берилган ижобий ба-ҳодан ҳам кўриш мумкин. А. Қодирий драматургия ва театрчиликда майдонга келган ҳар бир янгиликка жиддий муноса-батда бўлган.

Хўш, нега энди иқтилобнинг дастлабки йилларидаёқ А. Қодирийнинг ўзи драме-тургия ва театрчиликда майдонга келган янгиликка мана шундай мардлик билан баҳо берган экан, айрим мунаққидлар И. Султон, Л. Файзиев Ҳамза номи театр санъаткорлари билан ҳамнафасликда ўз-бек драматургиясида кенжа жанр — дра-матик ривоят услубида яратган асарини бунчалик таъна билан қарши олмақдирлар! Саҳнада улар биринчи бор Қодирий сий-мосини гавдалантиришдек мураккеб миша қўл урадилару, уларнинг новаторлигига ташақкур, дейиш ўрнига «ўғри», «тилқа-роқ қилувчи» деган таъна босилиш ке-рак!.. Драматург ва режиссёр театр билан ҳамкорликда бу асар устида иш олиб бо-рар экан, азувчи асарларидан фойдалан-ганлари тўғри, аммо И. Султон у ахир бу эпизодларни айнаён азувчи текстини қў-қириб йўли билан сахна асарига олиб ўтавермаган, воқеалар ривожини кўзда тутиб кераклигини жиддий саралаган, драматургия услубига бўйсундирган. Зарур илова ва «ремаркалар» билан таъминла-

ва аксинча, асарини мақтайверишимиз ҳам тўғри бўлмайди. Мунаққидларнинг мақола-ларида ҳам, азувчи зурриятларининг чи-қишларида ҳам жонли томонлар бор. Мо-зий билан замонавий кечинмаларнинг ай-рим эпизодларини борасида синтезга эри-шилмаган, — бу ҳақиқат. Актёрлар ижроси-да ҳам муайян камчиликлар мавжуд. Аммо шу билан бирга қатор образлар яратили-шда жиддий ютуқлар қўлга киритилган, бунда Л. Файзиевнинг хизмати ҳам сало-батли. Лекин айрим сахналар бирмунча сунъий, мантиқан унча боғланмаётган жо-йлар ҳам борлигини эътироз этмаслик адо-латдан эмас. Мана шундай жойларини ана бир кўриб чиқиб, ҳаётини ва ҳаққоний му-жассам этилиши ҳақида ўйланса, ушбу са-хна асари фақат ютган бўларди.

Биз пьесанинг матни билан танишар экан-миз, драматургга бору, режиссёр тушириб қолдирган томонларнинг ҳам гувоҳи бў-дик. Масалан, сахна асариде «Қодирий ва Отабек, Жабборов ва Ҳомид, Кумуш ва Мухайе» роллари икки қиёфада чиқувчи бир артист томонидан ижро этишга мўл-жалланган, дейилган. Аммо сахнада бу-ларнинг ҳаммаси ҳам икки қиёфада чиқ-майди. Бу эса ўз навабатида асарини «то-моша ичинда томоша» услубида мумкамас этишда муайян қўсурларни келтириб чиқар-моқда. Бу борада «айрим ролларга юк етишмаётир» деган фикрлар ҳақида ҳам ўйлаб кўрмоқ фойдадан холи бўлмасди.

Айрим мақолаларда — бир-бирига боғ-лаш мутлақо тўғри келмайдиган икки қа-рама-қарши тузумини бир қозонда қайна-тишга уринилган, — деган эътироз ҳам билдирилди. Бу борада шуни эслатиш ке-ракки, халқ мақолида айтилганидек, «қа-ловини топсанг, қор ҳам ёнур...» Ҳамма нарсаси ана шу қаловини топишда.

А. Қодирий асарларини, ё у ҳақидаги асарни сахналаштиришдан И. Султон мут-лақо четлаштирилсин, унинг асари ҳам бу-тунлай олиб ташлансин деган буйроқсифат қўнлар айрим мунаққидлар мақоласида ишлатиб юборилди. Бунинг ҳиссиётга ортик-

• Бир хат изидан •

УРТА ЧИРЧИҚ районидagi Охунбоев номи колхоз аъзоси Маҳамат Қурбонов йўллаган мактубни ўқиб эканман кўз ўнгимда қўллари қадоқ, тинимсиз меҳнатдан қадади дол, шарт-шароит оғирлигидан турмуши анча иночор бир одам гавадланган: «Ферманинг, чорвадорларнинг аҳволи ёмон. Ишлаш мумкин эмас...», «маош ва қўшимча ҳақ ҳам, Келинлар. Ердан беринглар», деб ёзилганди мактубда.

Нахотки! Одамнинг ишонгисиз келмади. Ахир бу колхознинг донги бутун республикага, ҳатто иттифоқимизда ҳам машҳур-ку! Ҳўжаликда ҳар йили планлар ошириб бажариляпти, инсон омили биринчи ўринда туради, деб нотўғри ёзилар экан-да...

Ана шу ўй-ҳавл билан колхоз сут-товар фермасига етиб бордим. Менга Маҳамат Қурбоновнинг уйини кўрсатиб юборишди.

— Отам тўйга кетганлар, ҳозир келиб қоладилар, — деди бир бола мени таклиф этиб. — Уйда онам бор.

Ҳўлига қадам қўяман. У анча кенгинга. Ўнгда бостирма, Ошхона учун мўлжалланган шекилли ёнида ўтинхонаси ҳам бор. Чапда типовой ўй. Ичкарига кираман. Қўлида боласи билан ёшгина аёл мени илиқ қаршилайди, ўтиришга таклиф этади.

— Мен — Ташбуви бўламан. Маҳамат аканинг келинларидан. Дастлаб 11 жон турарди. Ҳозир отам, мен, эрим, 3 болам, 3 қайиним яшаймиз. Улардан бари Совет Армияси сафида хизмат қилляпти. Тиқилиб ётибмиз. Томорқа, ёрдамчи ҳўжалик қилишга имконият йўқ.

Шу пайт Маҳамат ака келиб қолди. Хатини кўрсатаман. У, ҳа, мен эдим, дея бош иргайди.

— Аҳволимиз ҳақиқатан жуда оғир. Фермада шарт-шароит йўқ. Қўшимчи Ким Пен Хаа номи колхозга ҳавасимиз келади. Фермасига кирсанг чиққинг келмайди. Чорвадорлар ҳам яхши яшабди. Даромади ҳам мўмай. Бизда ҳам шундай бўлсин дейман-да!

— Анчадан буён ишлайсизми?

— Ҳа, 12 ёшимдан буён чорвадорлик қиламан. Аввал Оржоникидзе районидagi «Коммунизм» колхозда, кейин Киров номи колхозда меҳнат қилдим. Мана тақдир тақозоси билан бу ерга ишлаймиз. Аввалги иккала ҳўжаликда аҳволимиз ҳам, турмушимиз ҳам анча дуруст эди. От, бия, сиғир-бўзоқ, бир неча қўй дегадй. Бу ерга келганимга 12 йил бўлибдики, қўриб турганингиздек иночор яшаймиз. Шукур, саккиз фарзандимиз: Аҳмад, Эргаш, Ҳалима, Салима, Раҳима, Дехқонбой, Наврўз, Номозларни тарбиялаб вояга етказдик. Булардан беш

нафари уйли-жойли бўлиб кетишди. Энди наваб қолганларига. Энг кичигимиз — Номоз Ким Пен Хаа номи колхоздаги ҳўнар-техника билим юртида ўқийди, тракторчи бўлмоқчи. Мен энди уларнинг таълиминини қилишим керак. Шунинг учун куйиняпман-да! Локал томорқадаги ишларни жўнаштириб юбориш керак. Лекин экин экайлик десам суви йўқ, уй қуришга, мол асрашга рухсат беришмайди.

— Билишимча ферма агрофидиги бу уйлар чорвадорлар учун атаб қурилган экан. Ҳаммалари ҳам сизга ўхшас...

— Бу ерда 10 ўй бор. Шулардан бирида Олим Эргашевлар оиласи яшайди. Уларда ҳам 8 фарзанд, 2 та ўғли фермада ишлайди. Олим соғлиги ёмонлашиб бошқа ишга ўтиб кетди. Ўтган йили учинчи ўғилларини уйлантиришди. Қараш-са тикилишиб қоладиган, бир томонига яна бир хона қўшай-

вачиликни унутиб қўйган эканмиз. Эндилликда аҳволни туздан яхшилаш чораларини кўрайлик. Эски ферма тугатилди, янги чорвачилик комплекси қурилмоқда. Наслилик ҳўжаликлари, жумладан, «Красний водопад» экспериментал базиси билан тузилган шартномага биноан олинаётган насли ва соғлом гунажиклар ана шу ерга келтирилмоқда. Икки йилдан буён фермадаги ишлар ҳўжалик ҳисобида олиб борилаётган. Маҳсулотнинг салмоғи, сифатига қараб олинаётган даромад бу ерда ишлайтган 30 нафар чорвадор ўртасида тенг тақсимланмоқда. Ўтган йили пландан ташқари 31 тонна сут, 8 тонна гўшт, 32 та бўзоқ олинди. Чорвадорларнинг йил бўйи ишлаган меҳнат ҳақларининг ҳар бир сўмига 20 тўланидиган қўшимча ҳақ тўланди. Маҳамат Қурбоновнинг йиллик даромади 2300 сўм атрофида

корлиги кўриниб турибди. Ҳўлида бир қарич ер очиб қолмаган, эгат тортилиб, плён-ка тагига сабзавот экинлари экиб қўйилган.

— Бир кун ишда, бир кун уйда бўламан. Бекордан ҳамма безор дейишди. Бўш пайтимда эрмак қилиб, егуликка яраб қолар деб картошка экиб қўйдик. Ҳар йили ҳам шундай қиламиз. Тоқларимиз ҳам бу йил ҳосил беради.

— Сув борми?

— Ҳа, водопровод ҳам, тепа ариқдаги сув ҳам етарли. Бошқа кўпчилик хонадонларда ҳам саранжом-саристаликни, озодаликни кўриб мамнун бўлиб қўйинг. Ойланганда кўпчилик эканлигинингизни ҳисобга олиб, эҳтимом Сизларга ҳам ер участкаси ажратиб беришар. Бу, албатта, Сизнинг мавқеингизга, фарзандларингизнинг колхоз ишига қўшадиган ҳиссасига ҳам боғлиқ!

Бу сиздек эсли—хушли, оқила, билимли аёлнинг қўлидан келади. Мен бунга ишонаман.

Сизни тушунамиз, Маҳамат ака. Болаларининг қолганлари ҳам ўзидан тинсин, уйли-жойли бўлсин, деяйсиз. Лекин 5 ўғлингиздан бирортаси ҳам фермада ишлаймиди. Шунинг учун ҳам чорвадорлар учун махсус қурилган уйга эгалик қилолмасалар керак. Сиз уларга таълим-тарбия бердингиз, катта қилдингиз. Энди қўйиб беринг, улар ҳам ўзлари ҳаракат қилишсин. Сиздан эса мадад, руҳлантириш. Партком айтиди-ку, арзиза бериб қўйинг. Ойланганда кўпчилик эканлигинингизни ҳисобга олиб, эҳтимом Сизларга ҳам ер участкаси ажратиб беришар. Бу, албатта, Сизнинг мавқеингизга, фарзандларингизнинг колхоз ишига қўшадиган ҳиссасига ҳам боғлиқ!

Ҳозирча эса бор имкониятдан фойдаланиб туринг. Томорқа ерини ташлаб қўйманг. Болаларингизни ишга солинг. Сув керак бўлса, қўшиллар билан бирга Сизлар ҳам тепадаги ариқдан тортиб келинлар.

Мол-ҳол боқсангиз ҳам иложи топилар, ахир ҳовлининг бир чеккасига бостирма қилсангиз қаршилиқ кўрсатишмас. Айтишларига қарганда беш-ўнта қўй ҳам боқиб юрар экансиз-ку, сотиб юборибсиз, янгиланг.

Еки бизнинг бу гапларимизга қўйилмайсизми, Маҳамат ака. Тўғри, ҳозир демократия, ошкоралик замони. Ҳар ким дилидагини тўкиб соладиган пайт. Лекин бир нарсани ҳам унутмаслигини маслаҳат берадик. Ўқорига шикоят хати ёзиш, аҳволимиз ундоқ, у нарсаси етишмайди, бу нарсаси етишмайди, деб зорланиш, нолишдан олдин одам ўзини киман, топиридан ишни қандай бажаряпман, юриш-туришда, рўзгор туттишда, томорқа ҳўжалигини юритишда ҳамма имкониятдан фойдаланяпманми, яқинларимга, фарзандларимга ўрнат қўйяпманми, уларда тайёрга айрилиқ ҳиссини, кайфиятини уйғотиб қўйяпманми, деб ўзига-ўзи савол бериб қуриш керак. Менинг назаримда, Сиз бундай қилмагансиз. Эҳтимом, Сиз шундай қилганингизда, аввал ҳўжалик раҳбарлари билан учрашиб дарду ҳасратингизни ўшаларга айтган бўлардингиз. Ана ўшанда масала ойдинлашарди. Сиз ўзингизни бир қадар ноҳақ эканлигингизни аввалроқ билиб олар ва шунга яраша тороғига тош қўйган бўлардингиз. Ҳозирча эса қўйган тошингиз ўзингизнинг фойданингизга ҳал бўлмай турибди. Мен бунинг тўғри тушуниб, тўғри хулоса чиқариб олишингизни истаган.

Р. ЯЗУЛЧИЕВА,

«Тошкент ҳақиқатининг» махсус муҳбири.

АВВАЛ ЎЗИНГИЗДАН С Ў Р А С А К...

лик, деб бетон пойдевор қўйишган эдики, колхоздан келиб ишни тўхтатиб қўйишди. У раисга учрашди. Лекин фойдаси бўлмади. Бошқа жойдан, ферма ортидаги бўш ерини кўрсатишган эди, тор деб Эргашевлар унашмади...

Фермага йўл оламиз. Кравотда мизгитган қоровул Ҳолиқберди Ҳудойбердиев кўзини қия очиб, яна юмди-да, алланамалар деб гўлдираганча ётаверди. Ичкарига бемалол кириб, ишларни кузатаётган эдик, дарвозахона томондан ғала-говур овоз эшитилди. Бир киши жаҳл билан кириб келди.

Бу ферма мудирини эди. — Ким бу ерга киришга рухсат берди, — деди у ҳуноб бўлиб. — Ахир биласиз-ку, Маҳамат ака, мумкин эмаслигини. — У телефон номерини терди...

Дарҳақиқат мендан ҳам айб ўтибди. Ҳаёл билан бўлиб дарвоза олдидаги оғоҳлантириш ёзувига эътибор бермабмиз. Бир оздан кейин колхоз партия комитетининг секретари Жаҳонгир Қосимхўжаев кириб келди.

Қосимхўжаев Маҳамат аканинг мактуби мазмунин билан танишган, сўз бошлади:

— Ҳақиқатан ҳам фермаимизда аҳвол жуда оғир. Сигирлар ҳам касалланган. Сутни қайната топширяпмиз. Бу таннархга таъсир этмоқда. Очигини айтиш керак, биз узоқ йиллар фақат пахта билан бўлиб чор-

бўлди. Бу ойига ҳисоблаганда ўртача 198 сўмдан тўғри келлади.

— Ўтган ойда эса Маҳамат ака 162 сўм маош олди, — гапга қўйилди ферма мудирини Иброҳим Салахматов.

— Агар ҳўласалар яна ҳам кўпроқ пул ишлашлари мумкин, — дейди бош зоотехник Тўлаган Қуролбоев. — Қоровулликда икки сменада турсинлар. Уйларни яқин. Биз бир неча марта таклиф қилиб кўрдик. Қўнмадилар.

— Биз чорвадорларнинг турмуши, уй-жойи, маданий-маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида ҳам ғалмўрлик қилмоқдамиз, — дейди партком. — Арзиза берганларга навабати билан томорқа ажратилмоқда. Қишлоқларимизга табиий газ келтирилган, водопроводлаштирилган.

— Чорвадорлар учун қурилган уйларга келсак, маълумки, улар колхоз баланси, бюджетда туради. Уйни бузиш, кенгайтириш, қўшимча хоналар қуриш тақиқланади. Лекин у, ёки-бу ёнига қараб, суваб, оқлаб, ремонт қилиб ўтириш, қўламазорлаштириш, экин-тикин қилиш ҳар кимнинг ўзини, виждонига ҳавола.

Ҳамма ҳам уй-жойига яхши қараб, имкониятдан оқилана фойдаланяптими?

Қосимхўжаев бизни молбоқар Абдуразаққ Мамиев хонадонига бошлади. Бу ерда ҳамма ёқ саранжом-сариста, хонадон соҳибининг тадбир-

Маҳамат ака, ўғиллари — Аҳмад, Дехқонбой, Номозлар бўла туриб ерининг бўм-бўш қолишини қандай тушуниш керак!

Дам олиш кунлари озорқ ҳафсала қилинса, жон қойилмас мева-чева, сабзавот ўзларида чиқади-ку, болаларнинг ҳам кўзалари тўрт бўлмайди.

Бу ҳам майли. 3 хоналик уй анчадан буён ремонт қилинмаганга ўхшайди. Ваҳоланки газ киритилган, иссиққон, электр бор. Бироқ хоналар фэйзсиз. Ҳаммаёқ ифлос, айқаш-уйқаш. Дастурхон, кўрпалар кир-чирилги кишининг ғашига тегади.

Сингилар Тошбуви! Сиз, ахир онасиз, медицина муассасасининг ходимасиз. Эҳтимом ўз иш жойингизда озодагарчиликнинг жонкуяр посбони сифатида ҳурматингиз баланддир, балки сиз барчага ибратдирсиз. Онасидан етим қолган қайинларингиз ва қайсингиларингизнинг дилига малҳам бўлиб бағрингизга олибсиз, уларни оқ ювиб, оқ тараб, вояга етказибсиз. Уйли-жойли бўлишларига ҳам ўз ҳиссангизни қўшибсиз. Бу яхши, бу—олижаноблик. Шунинг учун ҳам одамлар сизга раҳмат, дейишляпти. Ана шу ишларингизга қўшимча қилиб, қайсингил, қайини бўйинларингизга тушунтириб, уйда, рўзгор туттишда ҳам жиндек тартиб ўрнатига киришсангиз яна ҳам савоб иш қилган бўлардингиз.

• Студентлар ётоқхоналарига аҳвол қандай? •

ТОР ЖОЙДАГИ ТОМОШАЛАР

ТОШКЕНТ Давлат университетда таълим олаётган студентлар учун 12 та ётоқхона мавжуд. Уларнинг деярли ҳаммасида бир хил камчиликларга — жиҳозлар, айниқса мебель етишмаслиги, юқори қаватларга сув доим чиқмаслиги, канализация ёмон ишлашига дуч келасиз.

«Химиклар уйи» деб аталадиган 90-ётоқхона ҳам бу камчиликлардан ҳоли эмас. У бундан етти йил илгари қурилган. Аммо ҳозиргача қурувчиларнинг қўл учинда бажарган «иш»ларини тузатишга тўғри келмоқда. Бу ердаги ювиниш хоналарига жўмақлар яхши ўрнатилмаганлиги туфйли сув полга оқиб ётипти. Сизиб ўтаётган сув пастки қават томини

нуратапти. Арзизаган жўмақ катта маблаг талаб қиладиган ремонт ишларига сабаб бўляпти.

Осмонда булут пайдо бўлиши билан ётоқхонадаги бир неча хонада яшовчи студентлар юракларини ҳовуллаб турадилар. Чунки ёлғир ёққудек бўлса томондан чакка ўтади.

— Ётоқхонамиз аслида 182 кишига мўлжалланган, — дейди студентлар кенгашининг раиси Эркин Ҳакимов. — Ҳозир эса бу ерда 220 студент яшаяпти. Уч кишилик хоналарга қўшимча қроват қўйишга тўғри келди. Бошқа областлардан келган 50 нафар студент шахсий уй ва кватираларда ижарада туришибди.

Студентлар ётоқхонада яшаб

дарс тайёрлашлари билан бирга бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари ҳам керак. Аммо улар кўрай деса телевизор йўқ, эшитиш деса радио тоқчалари ишлаймиди. Ётоқхонага 3 та телевизор ажратилган, деган гап тарқалган эди. Афсуски, ёшлар уларни ҳали кўрганларича йўқ.

Студентларга жой етишмаси ҳолда ётоқхонадан паспорт столи учун хона ажратиб берилган. Бу ерда бошқа ётоқхоналарда яшайдиганлар ҳам келаверади.

Яқинда 85-ётоқхона капитал ремонтдан чиқди. Шундан кейин студентларнинг яшашини учун шароит яхшилашди! — Қайда дейсиз, — хуно-

би чиқди амалий математика факультетининг доценти, ётоқхона бўйича декан ўринбосари Шодикул Исаев. — Капитал ремонт учун 100 минг сўм маблаг сарфланди. Аммо нима ўзгарди?

Доцент билан ётоқхонани айландик. Ҳозир ҳам деворларнинг сувоғи кўчиб ётипти, жўмақлардан, трубулардан эса сув оқмоқда. Қизик, қурувчилар нимани ремонт қилишди экан! Деворларни оқлаб, трубуларни бўлаб қўйиш билан иш битидими?

4-ётоқхонада Афғонистонда интернационал бурчини ўтаб қайтган собиқ жангчиларни учратдик. Улардан яшаш шароитларини сўрадик.

— Хонада беш киши тураман, — деди интернационалчи жангчилардан бири, тарих факультетининг студенти Фуқрат Тошпўлатов. — Бешинчимизга қроват йўқлигидан кўрпани полга тўшаб ётамиз. Кийим-

ларимизни илиш учун жой етишмайди.

Студентлар обуна бўлган газета-журналлар ётоқхонага ўз вақтида келтирилмаслигидан ҳам шикоят қилишди. Мавий хизмат қорхоналари ходимлари ҳам ёшлар ётоқхоналарида ҳам бўлишди.

— Қайси хонага кирманг, синдирилган стол-стуларга дуч келасиз, — дейди куюнчи 80-ётоқхона комедантин Рустам Тувалов. — Уларнинг купчилигини ақингизда олганмиз. Жамоат мулкига шундай муносабатда бўлишди. Ҳадеб янги мебельга маблагини қардан оламиз?

Қарс икки қўлдан, дейишляпти. Шундай экан ёшлар ҳам бундай ён-вериларига қараб қўйишса, жорий ремонтларни ўзлари бажаришса, жиҳозларни асраб авайласа, икки томонга ҳам фойда бўлади.

М. ЖОРКИБОЕВА,

ТошДУ студенти.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

Душанба,

17 АПРЕЛЬ

✦ УЭТВ

15.30 Зарипов янгитлари. Фильм-концерт. 16.00 Чегем хангомаси. Бадий фильм. 17.20 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 18.00 Янгилар. 18.15 Болалар учун фильм. 18.30 Колокольчик. 19.00 Ут учирувчилар кунига. «01 хизмат». 19.30 Пахтачиллик: тажриба ва муаммолар. 20.00 Ахборот. 20.20 Хужжатли фильм. 20.40 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Шаҳарни ёпган киши. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.25 Эдгар ва Кристина. Бадий фильм. 20.45 «Тошкент». студияси кўрсатади. Давра суҳбати. ДУШАНБА КўРСАТАДИ: 21.30 «Время». 22.05 Оҳанг зиндаги. 23.15 Музикали ҳаёт панорамаси.

✦ МТ I

19.00 Болалар соати. 20.00 Давлат бюджети: даромадлар ва харажатлар. 20.30 Икки турмуш, икки тақдир. 1-қисм. 21.30 «Время». 22.05 Икки турмуш, икки тақдир. 2-қисм. 23.10 Дунё воқеалари. 23.25 Концерт.

✦ МТ II

19.00 Янгилар. 19.15 Хоккей. Жаҳон чемпионати. ГФР — СССР. 19.55 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.10 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 21.30 «Время». 22.05 Хужжатли фильмлар экрани. 23.05 Янгилар. 23.15 Тонгги почта.

Сешанба,

18 АПРЕЛЬ

✦ УЭТВ

15.00 Рассом Рўзи Чориев. 15.15 Эдгар ва Кристина. Бадий фильм. 16.35 Зоология. 17.05 Телефильм. 17.20 Республика рус тили ва адабиёти институти — 25 ёшда. 18.00 Янгилар. 18.15 Полнэчи хўтик. Қўғирчоқ фильм. 18.30 Концерт. 19.00 Социалистик қонунчилик ва демократия. 19.30 Хўжалик ҳисоби амалда. 20.00 Ахборот. 20.20 Шу куннинг долларб мавзуси. 20.30 Пирну — спорт шарҳи. 20.50 Камолот сари. Музикали программа. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Ахборот. 22.35 Унутилмас сатрлар. Бобур.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.20 Жиноят. Бадий фильм. 1-фильм. 20.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. ДУШАНБА КўРСАТАДИ: 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Бевосита телевизион суҳбат. 23.15 «Фарзанди нағз — боғи падар».

✦ МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 Икки турмуш, икки тақдир. 11.05 Янгилар. 11.15 Бу бўлган.. бўлганди. 11.35 Болалар соати. 12.35 Концерт. 16.00 Янгилар. 16.10 Қайта қуриш прожектори. 16.20 Хужжатли фильмлар. 17.00 Мультифильмлар. 17.30 Александр Арутюнян. Фильм-концерт. 18.30 Футбол шарҳи. 19.00 Мультифильм. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Матбуот билан учрашу. 19.45 Едгорликларни муҳофаза қилиш халқаро кунига. 20.35 Актуал объекти. Хужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР — Финляндия. Танаффус пайтида. — «Дунё воқеалари».

✦ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабон фильм. 9.35, 10.35 Физика. 10.05 Француз тили. 11.05 Ойлангиз турмуш этикаси ва психологияси. 11.55, 12.35 Музика. 12.05 Француз тили. 13.05 Чақирилмаган дўст. Бадий фильм. 14.30 Янгилар. 14.40 Ритмик гимнастика. 15.25 Кичик концерт. 15.40 Мультифильм. 16.00 Ақл бовар қилмайдиган гаров ёки бундан юз йил муқаддам ахшилик билан тугаган бўлган воқеа. Бадий фильм. 17.15 Янгилар. 17.25 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Канада — АҚШ. 20.00 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ритмик гимнастика. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Ақл бовар қилмайдиган гаров ёки бундан юз йил муқаддам ахшилик билан тугаган бўлган воқеа. Бадий фильм. 23.30 Бизнинг фондмиздан. СССР халқ артисти Л. Ермакова. 00.25 Янгилар.

Чоршанба,

19 АПРЕЛЬ

✦ УЭТВ

15.00 Советлар мамлакатининг кишилари. Кинопрограмма. 16.20 Жиноят. Бадий фильм. 1-фильм. 17.30 Узбекистон ССР тарихи. 18.15 Мультифильм. 18.35 С. Азизов. Кўзлари чўлпон. Теленовелла. 19.30 Чорвадор программаси. 20.00 Ахборот. 20.15 «Ешлик» студияси кўрсатади. 20.45 Хат ва ҳаёт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Ахборот. 22.35 Мақом кечаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.25 Телефильмлар. 20.00 Жиноят. Бадий фильм. 2-фильм. 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Пульс». 21.15 Телефильм. ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ: 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Фан уфқлари. 22.45 Киргиз санъати кишилари.

✦ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультифильмлар. 9.35 Бизнинг мерос. 10.20 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР — Финляндия. 11.00 Янгилар. 11.10 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР — Финляндия. 11.50 Оламга савҳат. 16.00 Янгилар. 16.10 Қайта қуриш прожектори. 16.20 Музикали хазина. 17.10 Хужжатли фильм. 17.30 Болалар соати. 18.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Агро тележурнали. 20.00 ПХР фольклор коллективларининг концерти. 20.25 Адабий-бадий видеоканал. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Адабий-бадий видеоканалнинг давоми. Танаффус пайтида — «Дунё воқеалари».

✦ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабон фильм. 9.35, 10.35 Биология. 10.05 Немис тили. 11.05 Эстетик тарбия. 11.35, 12.35 Рус ҳарактери. 12.05 Немис тили. 13.05 Ақл бовар қилмайдиган гаров ёки бундан юз йил муқаддам ахшилик билан тугаган бўлган воқеа. Бадий фильм. 14.20 Янгилар. 14.30 Халқ куйлари. 14.45 Қайтиш учун билет. Бадий фильм. 16.15 Белоруссия телевидениесининг программаси. 17.10 Мультифильм. 17.20 Янгилар. 17.25 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР — Польша. 20.05 Концерт. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Хужжатли фильм. 21.15 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Қайтиш учун билет. Бадий фильм. 23.45 Янгилар. 23.55 Концерт.

Пайшанба,

20 АПРЕЛЬ

✦ УЭТВ

15.00 Телефильм. 15.40 Жиноят. Бадий фильм. 2-фильм. 16.45 Светофор. 17.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 18.00 Янгилар. 18.15 Мультифильм. 18.25 Иқтисодий билимлар мактаби. 19.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. 20.00 Ахборот. 20.15 Музикали учрашулар. 21.30 «Время». 22.15 Ахборот. 22.35 Экранда — «Узбекфильм» киностудиясининг фильмлари. «Ҳамза».

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.25 Жиноят. Бадий фильм. Қаллоблик. 2-серия. 20.30 Реклама. 20.40 «Тошкент» студияси кўрсатади. ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ: 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 «Ноорўз-89». 22.30 Тиканли экран. 23.10 Бемаъни латифа. Бадий фильм.

✦ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Концерт. 10.10 Хужжатли фильм. 11.05 Янгилар. 11.15 Концерт. 11.45 Болалар соати. 16.00 Янгилар. 16.10 Қайта қуриш прожектори. 16.20 Хужжатли фильмлар. 17.00 .. 16 ёшга ва ундан катталар. 17.45 Фан: назария, тажриба, практика. 18.30 Миллатлараро муносабатлар тарихий тажриба ва муаммолар. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 «Қоло» ансамбли икром этган фильмлар. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 «Мечислав Карлович» балети. Лодзе Катта театрининг спектакли. 00.15 Дунё воқеалари.

✦ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабон фильмлар. 9.35, 10.35 Умумий биология. 10.05 Испан тили. 11.05 Здоровье. 11.10, 12.40 Табиатшунослик. 12.10 Испан тили. 13.00 Қайтиш учун билет. Бадий фильм. 14.30 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финляндия — Швеция. 15.10 Янгилар. 15.20 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 16.00 Хужжатли фильм. 17.00 Табиат билан ҳамжиқатликда. 17.35 Янгилар. 17.45 Бурч. Бадий фильм. 18.30 Хужжатли фильмлар. 19.10 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финляндия — Швеция. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 21.25 Реклама. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Бурч. Бадий фильм. 23.00 Янгилар. 23.10 Ф. Бузони. Турандо. Симфоник сюита.

Жума,

21 АПРЕЛЬ

✦ УЭТВ

15.00 Жиноят. Бадий фильм. 2-фильм. 16.05 Йўл ёқасидаги уй. Фильм-балет. 16.45 Физика. 17.15 Телефильм. 17.30 Узбекистон ССР тарихи. 18.00 Янгилар. 18.15 Мультифильм. 18.35 Шоирлар — болаларга. 19.10 Адабий театр. Ленинни ўйлабман. 19.40 Ахборот. 19.55 В. И. Ленин туғилган кунининг 119 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. 21.15 «Время». 21.45 Ахборот. 22.05 Хужжатли фильм. 22.40 Она қалби. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.20 Узбекистон композиторларининг скрипка миниатюралари. 19.35 Телефильм. 20.05 ва 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Пульс». 21.15 «Время».

✦ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Хужжатли фильм. 9.30 Баҳор оҳанглари. Мультифильмлар. 10.00 Янгилар. 10.10 Қалбга яқин қўшиқлар. 10.50 Йил фасллари. Апрель. 16.10 Янгилар. 16.25 Болалар учун фильм. 17.35 Хужжатли фильм. 18.05 А. Скрябин. Прометей. 18.35 Дунё воқеалари. 18.50 Хужжатли фильмлар. 19.25 Концерт. 19.55 В. И. Ленин туғилган кунининг 119 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт. Танаффус пайтида — «Время». 23.00 Бу бўлган.. бўлганди.. 23.20 Нигоҳ.

✦ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабон фильм. 9.35, 10.35 Музика. 9.55 Илмий-оммабон фильм. 10.05 Инглиз тили. 10.55 Сўқмоқ. Илмий-оммабон фильм. 11.05 Кушлар ва ҳайвонлар бир том остида. 11.35, 12.35 Теваракатроф билан танишу. 11.55 Илмий-оммабон фильм. 12.05 Инглиз тили. 12.55 Бурч. Бадий фильм. 13.40 Янгилар. 13.50 Ритмик гимнастика. 14.20 Уляновлар оиласида музика. Хужжатли фильм. 17.00 Майдон. Спорт программаси. 18.00 Янгилар. 18.10 Майдон. Спорт программаси (давоми). 18.55 Қозғоғистон ССР Давлат телерадиоси. Тонлаш. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 19.45 Шу куннинг хроникаси. 19.55 Д. Шостакович. 10-симфония. Тугагач — «Время». 21.40 Тўйдан аввал. Бадий фильм. 22.35 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР — ЧССР. 23.15 Янгилар. 23.25 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР — ЧССР.

Шанба,

22 АПРЕЛЬ

✦ УЭТВ

9.00 Ассалому алайкум. 10.00 Телефильм. 10.20 Учар йигит. Бадий фильм. 11.30 Спорт программаси. 12.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. 13.10 Объектда — қайта қуриш. 13.40 Хужжатли экран. 14.40 Йўл ҳаракати хавфсизлиги. 18.15 Болалар учун концерт. 18.45 Узбек тилини ўрганамиз. 19.20 Ленин берган содат. Музикали композиция. 20.00 Ахборот. 20.20 Шундай аёллар яшайди. 20.30 Илмий-оммабон фильм. 20.45 И. Шимиякин. Йон. Теленовеллалар театри. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Ишонч. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБА КўРСАТАДИ: 18.00 Лабиринт. 18.40 Бадий фильм. 20.00 Информацион программа. 20.30 Камалок. 21.30 «Время». 22.05 Лениннома. В. И. Ленин образи. 22.45 Она садоқати. Бадий фильм.

✦ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Сиз яратган боғ. 9.35 Мультифильмлар. 10.05 Хужжатли фильм. 11.30 Сени севаман, ҳаёт! Фотоконкурс. 11.35 Концерт. 12.00 Социализм мамлакатларида. 12.30 Оташқалб ҳақида афсона. 12.45 Хужжатли фильм. 14.00 Аслини олганда. Экология ва технология. 15.30 Тумор. Бадий фильм. 16.35 Хайвонот оламида. 17.35 Концерт. 18.55 Халқаро программа. 19.55 Ленин Польшада. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Шекспирнома. Фильм-балет. 23.15 Янгилар. 23.20 А. И. Улянова-Елизарова уй-музейда камер куйлари кечаси.

✦ МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгилар. 9.45

Жаҳоннинг йирик музейи. 10.50 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 11.35 Баҳорги қақир. Бадий фильм. 13.05 Қардошлик. 14.05 Мультифильм. 14.15 «Нергис» ансамблининг концерти. 14.40 ..16 ёшга ва ундан катталар. 15.55 Хужжатли фильмлар. 15.55 П белгиси билан. 19.10 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Швеция — Канада. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 21.30 «Время». 22.05 Хужжатли фильм. 22.25 Хоккей. Жаҳон чемпионати. ЧССР — Швеция. 01.00 Янгилар. 01.10 Баскетбол. СССР чемпионати.

Якшанба,

23 АПРЕЛЬ

✦ УЭТВ

9.00 Ассалому алайкум. 10.00 Ойла деврасида. 10.20 Биргаликда куйлаймиз. 10.45 Маҳорат сари йўл. 11.15 Мактаб ўқувчилари учун. Қувноқ сўртлар. 12.15 Экранида биринчи марта. Кимсан, чевандоз. Бадий фильм. 13.35 Спорт программаси. 15.10 Элга хизмат: талаб ва тақлиф. 15.40 Сиз севган қаҳармонлар. 16.40 Реклама. 18.05 Оламини кашф этиб. 18.30 Санъат гунаҳлари. 19.00 Отаовлар университети. 19.30 Цирк! Цирк! Цирк! 20.00 Ахборот. 20.20 Мультифильмлар. 20.40 Дам олиш музикали программаси. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Саҳна усталаври.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБА КўРСАТАДИ:

17.35 Кўз ёшлари ороли. Бадий фильм. 19.00 Навост. 19.15 Туманли тонг. Фильм-концерт. 20.00 Футбол иттифоқи кубоги. 20.45 Ахбор. 21.00 Парасту. 21.30 «Время». 22.05 Парасту кўрсатувининг давоми. 22.40 Беғараз панд. Телевизион миниатюралар театри.

✦ МТ I

8.30 Янгилар. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото. 9.30 Эрта сахарлаб. 10.30 Совет Иттифоқи хизмат қилмади. 11.30 Тонгги почта. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Болалар информацион-публицистик программаси. 14.30 Музикали кинос. 15.00 Здоровье. 15.45 Театрга билет сотиб олам. 16.10 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Канада — СССР. 17.30 Қишлоқ янгилар. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Мультифильм. 19.55 Еш хотин. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Салом, доктор! 22.20 Концерт. 23.25 Янгилар. 23.30 Рус хори санъати.

✦ МТ II


8.30 Зарядкага сафланинг! 8.50 Чашмалар. 9.20 Концерт. 10.15 Тўйдан аввал. Бадий фильм. 11.10 Телевизион музикали абонемент. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Хужжатли фильмлар. 13.55 Харақат хавфсизлиги учун. 14.00 Хужжатли фильмлар. 14.50 Концерт. 15.10 Фестиваль экран. 15.30 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Канада — СССР. 16.10 В. Шекспир. Ун иккинчи кеча. Фильм-спектакль. 18.45 Хужжатли фильмлар. 19.30 Баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Экранда Сибирь. Киножурнал. 20.55 Реклама. 21.00 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Салом, доктор! 22.20 Спринтер нигоҳида пейзаж. Бадий фильм. 23.30 «Советская женщина» журналнинг совини учун бадий гимнастика бўйича халқаро мусобақалар. 24.00 Янгилар.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •



● **РЕСПУБЛИКАМИЗДА** Иркутск области маданияти кунлари муваффақиятли давом этмоқда. Сибирлик меҳмонлар билан бўлаётган учрашувлар чинакам дўстлик ва қардошлик тантаналарига айланмоқда. Суратларда: сибирлик санъаткорлар концертларидан лавҳалар.

А. Зуфаров фотолари



● Футбол ●

Э. СТРЕЛЬЦОВ ЎЗБЕКЧА ГАПЛАШАДИ

Совет футболдаги энг ёрқин истеъдодлардан бири Эдуард Стрельцовнинг номи миллионлаб мухлисларга жуда яхши таниш. У катта даражага футбол «қирол» Пеле сингари эрта кириб келди. 1958 йил жаҳон биринчилиги бошланган вақтда у Пеледан тажрибалироқ эди. Бизнинг футбол ишқибозларимиз бразилиялик йигитга унинг жаҳоншумул шuhrати учун раҳшлари келган, худди ўша кезларда ўйиндан ташқарида қолган Стрельцов учун жуда ачинаганлар. Москва «Торпедо»си ва СССР миллий терма командасининг ана шу аъзоси бетакрор ўйини, ғайриодатий, зиддиятли ҳаёти, мамлакатимиз футболчиларининг олимпиада чемпиони бўлишига ва Европа кубогини кўлга киритишига қўшган жуда катта ҳиссасини ҳали ҳануз эслаб юрадилар. Умуман 50—60-йиллар футболини ўсим тасаввур этиб бўлмайди. Тақдир унинг ҳаётини маълум муддат Ўзбекистон билан ҳам боғлаган эди.

Эдуард Стрельцовнинг «МАЙДОН НИГО-ХИМДА...» деб аталган китобининг пайдо бўлишини мухлислар қувонч билан қарши

олдилар. Бундан ўттиз йиллар муқаддам олий лига командаларининг ҳар бир ўйини ҳақиқий байрамга айланиб кетарди. Китобда ана шу командаларнинг ўзаро, шу жумладан, «Пахтакор» билан бўлган қизғин баҳслари эсга олинади. Автор машҳур Бесков, Симонян, Иванов, Яшин, Воронинлар қатори Ўзбекистон футбол мактаби етиштирган Пшеничников, «Пахтакор»нинг собиқ устозлари Качалин, Якушинларни ҳам қаламга олади. Уларнинг нисон ва футболчи сифатидagi мураккаб ҳамда диққатга сазовор характерларини, ўзаро муносабатларини очиб беради.

Э. Стрельцов ҳикояларини ёзувчи ва журналист Александр Нилин ёзиб олиб, шарҳлаган. Ўзбекистон ССР «Медицина» нашриётда чоп этилган бу китобни ўзбекчага М. Аҳмедов таржима қилган. Катта тарбиявий таъсирга эга бўлган спортнинг аҳамиятини очиб берувчи асар афсуслик, жуда оз нусхада (6 минг) босиб чиқарилган.

М. СОАТОВ.



АСОСИЙ МАҚСАД

● **ОЙЛА** — Австралиядagi 46 фонз аёллар ва 39 фонз эркекларнинг ҳаётдан кутган асосий мақсадларидир. Мельбурнидаги «Эйдж» газетаси тошйирғига биноан ўтказилган жамоат сурови натижалари туфайли, шундай фикрга келинган. Онлавий ҳаётга кам эътибор берганлар сарасига асосан ёшлар кирган. 18 дан 24 ёшгача бўлганларнинг бор-йўғи 21 фонзигина мустақкам онла қуришини биринчи навбатдаги иш деб билганлар. Университетларнинг қундузги бўлиш талабалари орасида фақат 6 дан бир кишигина онла қуриш ҳақида ўйлар экан.

ХАР БЕШ МИНУТДА

● **ЛОТИН** Америкасидаги Сан-Паулу шаҳрида машина ўғрилаб сотиш анча даромадли соҳалардан бири бўлиб қолди. Расмий статистик маълумотларга қараганда, бу 13 миллионли катта шаҳарда ҳар беш минутда автомобиль ўғриланиб турар экан. Фақат ўтган йилнинг ўзига 80 минг машина эгалари ўз енгил автомобиллари, юк машиналари ва мотоциклларидан айрилиб қолдилар.

Сан-Паулу йўл полициясининг гувоҳлик беришича ўғрилган машиналар қўшини Парагвай ёки Боливияда наркотик моддаларга ва эҳтиёт қисмларга бўлиб сотиб юборилар, шунингдек, Бразилиянинг бошқа штатларига ҳам оlib қочилар экан.

«ХАНДА»НИНГ НАВБАТДАГИ САФАРИ

«Ўзбекконцерт» бирлашмаси қошидаги Шерқўзи Ғозиев раҳбарлик қилаётган «Ханда» сатира ва юмор ансамбли Сурхондарё меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатиш мақсадида ижодий сафарга жўнаб кетди. Санъаткорлар «Култан етар муродга» деб номланган сатира ва юмор эстрада томошаси билан сурхондарёлик қишлоқ меҳнаткашларига хизмат кўрсатадилар. Томошабилар Санобар Раҳимова, Ғаржон Юсупов, Толиб Ҳожиев, Мансур Раҳимов, Мавлуда Турдиева, Зуфар Раимов, Зиедулла Абдуллаев ва музика раҳбари Бахтиёр Исмаилов каби кўлгу усталарининг маҳоратидан баҳраманд бўлишади.

Ижодий коллектив областнинг Денов, Сарисиб, Олтинсой ва Шўрчи районларида бўлишади. Санъаткорлар гастроль давомида республика қишлоқ хўжалиги илгорларининг қурултоида айтилган тақлифларга амал қилиб, дала меҳнаткашлари — пахтакор, чорвадор ва галлакорлар билан учрашадилар, уларга ўз санъатларини намойиш этадилар.

Р. ҚУДРАТОВ.

Мухаррир
Н. НАСИМОВ.

● ЛУҚМА

«ФУТБОЛ» юлдузлари» ихтисослаштирилган кооперативининг тузилгани яхши бўлди. Унинг мақсади республикада оммавий спорт тури ҳисобланган футболни янада яхшироқ тарғиб этиш. «Пахтакор» командаси ва унинг рақиб тўғрисида маълумотлар, командалар состави билан таништириш, умуман мухлисларни янгликлардан хабардор этиб туришдан иборатдир. Лекин... бу кооператив «майдонга тушибди» ўз «дарвозасидан тўп ўтказиб юборди». Мана қўлимизда кооперативнинг «Пахтакор» — «Гурия» учрашувига бағишлаб чиқарган футбол программаси. Ундаги тугуруқсиз жумлалар, ўринсиз ишлатилган русча сўзлар, гиж-гиж имловий ҳатоларни кўриб кўзингизга ишонмай-сиз. Келинг, ҳурматли футбол мухлислари! Яхшиси ўзингиз

ушбу жумлаларни ўқиб хулоса чиқара қолинг.

«Гурия» футболчилари 1975 йилда ўз зонасида ғолиб чиқиб биринчи лигада ўйнаш ҳуқуқи учун финал пулчасида қатнашдилар... Биринчи лигада узоқ вақт лидерлик қилган Риганинг «Даугава» командасини қувиб ўтиб, очколар бўйича МАСКнинг биринчи ўринини эгалладилар.

...Кўпни кўрган зўр командалар компаниясидаги қаттиқ конкуренцияга бардош бериш осон эмасди.

Ланчхутидаги жавоб матчи давсам охирида жавоб матчи жуда шиддат тус олди... «Пахтакор» 75 минутгача жим турди. Шу пайт Хлус ягона тўп киритди.

...Матчга ҳакамлик қиладилар: Бош арбитр Т. Беззубяк (Ленинград) Линия сидьялари

(судьялари демокчи) И. Гурман ва А. Мамажонов (Душенба)».

Программада ана шаҳар номи Ростов-на-Дону деб ишлатилади, бир жумлада бир сўзнинг икки-уч такрорланиши, беҳисоб имловий ҳатолар эса керагича топилади.

Футбол ўйинларига бағишлаб чиқарилган бундай программалар авваллари 5 тийин, сўнг 10 ва 15 тийиндан сотилди. 1989 йилдан бошлаб кооператив бу ишни ўз қўлига олди-ю, уялмай-нетмай нархини 30 тийин қилди-қўйди. Нархини қиммат қилишдан мақсад нима? Уни қизқартири, маънунан бой ва сифатли қилиб тайёрлашми? Аксинча, ниҳоятда саводсизларча ва пала-партишлик билан томошабиларга тақдим этилаётган бундай программаларнинг кимга кераги бор!!

Ш. УМУРЗОҚОВ,

ЎЗ ДАРВОЗАСИГА...

РАССОМ БОЛАЛАР
БОҒЧАСИДА



Боғча тарбиячиси:— Муна тўрпоқ киласанлар! Шўрини туш кўраётганида юбординглар а!



Ошпаз тарбиячига:— Ҳали янгисиз-да сингилжон, азал унингиз тўйиб олинг, болаларга кейин қараверасиз.



— Буанжон, ўйинчоқларини боғчага олиб кетай. У ердаги ўйинчоқларни бузилиб қоладик деб беришмай-да. М. УНГАРОВ чизган расмлар.

ТОШКЕНТ
ХАКИКАТИ

(«Ташкентская правда») Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издается на
узбекском языке

Редакция адреси:
700083, ГСП, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-43,
32-53-54 хатлар ва оммавий
ишлар бўлими.